

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси

8 ДЕКАБР—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



хотин-қизларга юкланган жуда катта масъулият ва ишонч ҳамдир. Биз ички ишлар тизимида ишлаётган аёллар учун бурчга содиқ қолиш, кечани-кеча, кундузники кундуз демай халққа хизмат қилиш билан бирга, яна оилани асраш, турмуш ўртоғимизнинг кўнглига қараш, фарзандлар тарбияси, қайнона-қайнонанинг меҳрини қозониш, дуосини

одатларини яхши билиши ва хурмат қилиши шарт. Чунки, ватанимизнинг келажаги асосан ўсиб келаётган ёш авлоднинг салоҳияти ва иқтидорига боғлиқ. Яқинда 2-иқтидорли болалар мактаб-интернатиде ташкил этилган тадбир Қомусимизнинг 15 йиллигига бағишланди. Очиги, бу тадбирнинг фаол ташкилотчилари-фарзандларимизнинг билими, дунёқарошига қийил қолдим. Уларнинг саволларига жавоб бериш

ОДИЛ ҲИМОЯЧИ

Дунёдаги барча демократик мамлакатларда конституция асосий қонун ҳисобланади. Конституция кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай даражада ҳимоя қилинганлигидан дарак берувчи олий мақомли ҳужжатдир. Ўзбекистон Конституцияси ўзида жаҳон конституцияларининг энг муҳим ижобий томонларини акс эттирганлиги билан характерланади. Шунингдек, унда халқимизнинг хоҳишироудаси акс этган.

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясини қабул қилганига бу йил 15 йил тўлди. Бугунги кунда, хоҳ давлат соҳаси, хоҳ иқтисодий ёки ижтимоий-маданий турмуш соҳасида бўлсин, унинг ижобий ва тартибга солувчи таъсири сезилмаган жой йўқ.

Конституцияни қабул қилишда демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик баён қилинган. Чунки турмушда, оилада, давлат билан муносабатда адолат принципи доимо устувор ҳисобланади.

Асосий қонунимизда ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш алоҳида таъкидланган. Оиланинг жамиятда тутган ўрни ниҳоятда муҳим. Жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш бевосита ва билвосита оила ва оилавий муносабатлар орқали содир бўлади. Оила жамиятнинг иқтисодий ва маданий тараққиётини, унинг цивилизациялашуви даражасини ўзига хос тарзда акс эттирувчи кўзгудир.

Асосий Қонунимизнинг ўн

тўртинчи боби "Оила" деб номланган. Бу борада оиланинг келажақдаги ўрнига кенг баҳо берилган. Конституциямизда оилага нисбатан давлатнинг муносабатини шакллантиришда миллий хусусиятларимизга асосланган ифода этилган. Чунки Шарқда ота-она ва фарзанд муносабатлари алоҳида ўрин тутди. Кишилар оила тузишга, оила бўлиб яшашга қарор қилишган экан, улар ўз зиммаларига қатор вазифаларни оладилар. Конституциямизда оилада яшовчи кишиларнинг бир-бирлари олдидаги бурч ва вазифалари белгиланган. Ота-оналарнинг фарзандлар тақдирини учун масъуллиги Конституциямизнинг 64-моддасида мустақамланган. "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар". Ўз вақтида вояга етган фарзандларнинг ота-оналари олдидаги бурчлари ҳам асосий Қонунимизнинг 65-моддасида ўз аксини топган: "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар". Бу сингари қатор моддаларда инсон ҳаёти, ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояланган.

Ҳа, Конституциямиз-бизнинг одил ҳимоячимиздир. Дилнавоз **ТОҶИБОЕВА**, Ташкент Давлат юридик институти ўқитувчиси

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИК ШАРОФАТИ

Суҳбатдошим — Фаргона вилояти, Бувайда тумани ички ишлар бўлими хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими масъул бошлиғи Мухаббатхон САМИНОВА

— Мустақиллик биз — аёлларнинг руҳимизга қувват, орзуларимизга қанот берди, - дейди у. - Бугуннинг аёли нафақат оила тўқислиги, фарзандлар тарбиясидагина эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида меҳнат қилмоқда. Бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимиз давлатимизнинг бош қомуси-Конституциядан тортиб, меҳнат қонунчилиги, "Оила" кодекси каби турли қонунлар билан ҳимояланган. Асосий қонунимизнинг 46-моддасида: "Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлиқдирлар", дея белгилаб қўйилганлиги фақат бизнинг қобилиятимиз ва имкониятларимизни юзага чиқарадиган эркинликка эмас, балки

олиш-булар айтишга осон холос. Ҳаётнинг синовлари барида бериб, эл орасида обрў-эътибор қозониш, қочилса-да йиқилмаслик, 30 йилдан ортиқ масъул вазифада ишлаш машаққати фақат таржимаи ҳолингни тўлдирётганида энгилдек туюлади. Ёки йиллар ўтгани сайин бу машаққатлар фаҳрга айланиб кетадими...

Бугун юртимизда, бизнинг Фарғонамизда ҳам оламшумул эзгуликлар, янгилликлар амалга оширилди. Шу улкан ислохотларнинг рўёбга чиқишига ҳисса қўша олганимдан бахтиёрман. Илм масканлари ва маҳаллаларда тез-тез очил мулоқотлар, учрашувлар ўтказаяпмиз. Ҳар бир фуқаро, айниқса ёшлар хур мамлакатнинг ажралмас бир қисми сифатида яшаш, меҳнат қилиши, қонунларни, ўз халқининг миллий қадриятлари, урф-

учун биз ҳам ҳар бир қонунни муқаммал билишимиз керак. Ёшлар иштирокида қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш ҳам осон кечади. Чунки, юртимиз ворислари ҳар қандай янгилликни тез ўзлаштиради.

Касбий фаолиятим ўзимга ишонч, куч-қувват беради. Меҳнат фахрийси, истефодаги полковник, ҳамон нигоҳларида шикоят, улғурворлик ёғилиб турган 84 ёшли отажонимнинг маслаҳатларини оламан. Турмуш ўртоғим Раҳматали ака шифокор бўлганлиги учун ҳам мени яхши тушунади. Чунки, у кишига ҳам кечаси-ю-кундузи мурожаат қилишади. Қизимиз Мухтасархон педагог, Равшанбек-тадбиркор, кенжамиз Зоиржон-ҳуқуқшунос. Кўзимизни, кўнглимизни қувнатиб 6 набирамиз камол топапти.

Хулқар ҲАМРОЕВА ёзиб олди.



— Асли ёшлигимдан зардўзлик қилардим. Зардўз қовуш тикардим. Ҳам оилага фойда, ҳам хунарим "етим" бўлиб қолмади. Нафақага чиққач, уйимда каштачилик устахонасини ташкил қилиб, 10 нафар қизга ва икки оила аъзосига бўмомомер хунарни ўргата бошладим.

УМИД ВА ИШОНЧ БИЛАН...

Бир куни Япониядан "Ўзбекистон-Япония дўстлик жамияти"нинг масъул ходими Накамураҳоним

23 декабр—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

фокор) иккимиз шўқрона келтирамиз. Мустақилликнинг шарофатини қаранг: биз - оддий бир оила дунёга

кичидик. Ишларимиз билан танишди. Ўсма, хино, райхон ва атиргулларни матода ўз рангига қўриб, ҳайратини яширолмади. Биз тиккан кашталарни "санъат асарини" деб баҳолади ва барча буюмларимиздан буюртма қилди. Бу ҳол бизнинг руҳимизни янада кўтариб юборди. Хозир устахонамизни кенгайтириб, бухороча зардўзликни ривожлантириш ҳаракатида юрибмиз. Кашта, сўзана, ёстиқпўш, сочиқларимиз Япония, Туркия, Франция мамлакатлари кўрғазмаларида юқори баҳо олди. Ўзим япон ва инглиз тилларини ўргандим. Японияда чеварларимиз маҳоратини кўз-кўз қиладиган, санъатимиз донгини дунёга ёдидиган махсус дўконимизни очмоқчимиз. Даромадимиздан шу "Сергарон" маҳалласи аҳли учун

битта тиббий пункт ва нонвойхона қуриб бермоқчимиз. Маҳалладаги кам таъминланган оилалар ҳам доим назоратимизда. Устахонада ишлаётганларнинг кўпчилиги шундай оилаларнинг аъзолари. Улар ҳам хунар ўрганиб, ҳам рўзгорларига барака киритаяптилар. Ҳали режаларимиз бисёр. Ўғлим Азаматжон ва келиним (япон қизи) Нацуко(Насибохон) - иқтисодчи. Улар Японияда малака оширишяпти. Шухратжон ўғлим ҳам олий маълумотли-япон, инглиз, француз, немис, рус, тожик тилларида бемалол гаплашади. Қизим Азизахон инглиз тилини яхши билди-олийгоҳ талабаси. Куёвим Рашидхон эса Туркияда "Халқаро туризм" олийгоҳида таҳсил олиб қайтган. Болаларимизга қараб туриб, хўжайиним Ҳамроқул ака (ши-

фокор) иккимиз шўқрона келтирамиз. Мустақилликнинг шарофатини қаранг: биз - оддий бир оила дунёга киридик. Мамлакатимизда юзлаб оилаларда шундай манзарани кўриш мумкин. Болаларимиз чет элларда ўқишяпти, хунармандлар ўз меҳнатининг маҳсулини қайси мамлакатга хоҳласа, ўша ёққа сотиш ҳуқуқига эга. Ҳам руҳи кўтарилди, ҳам даромад қиладди! Илгари бундай имкониятлар тушимизга ҳам кирмасди. Демократия-эркинлик дегани шу-да! Ҳуқуқий давлат дегани-шу-да!

Мамлакатимизга, элимизга бир доно йўлбоши бўлсин, деб ўзимиз таънаган, ишонган номзодга овоз беришга шайланарканмиз, мана шу имкониятларимиз кенгайишига умид қиламиз!

Сайёра КАҲРАМОНОВА, Бухоро шаҳар "Тадбиркор аёллар" уюшмаси аъзоси

Бир ташкилот, муассаса ёки корхонада меҳнат фаолиятини бошлаб, шу ердан пенсияга кузатилиш ҳаммага ҳам nasib қилмас керак. Эргаш Ризаев Ўзбекистон Республикаси Китоб савдоси бирлашмасига қарашли 1-сон китоб дўконида ишчи бўлиб ишга кирганида ҳали ўн сақиз ёшга ҳам тўлмаган эди. У китоб савдоси маънавият оламининг узлуксиз бир қисми эканлигини қалбдан ҳис қилди, унинг масъулиятли томонларини босқичма-босқич ўргана борди.

1961 йилда Тошкент шаҳрида ихтисослашган техника адабиётлари дўкони очилиб, унга Эргаш Ризаев директор этиб тайинланди.

Яхшилардан сўз очдик

— Дала-ҳовлидаги меҳнат фаолиятимга ҳам келаси йил баҳорда ўн йил бўлади, — дейди Эргаш ака. — Бу жойни олганимизда бу ерда бир-икки тул дарахт, ётиб-туришга ярайдиган бир бошпана бор эди, холос. Угиллар билан бирга астойдил тер тўқдик. Дарахтлар, гуллар эдик. Уй-жойни тартибга келтирдик. Сауна ва ҳовуз (бассейн), чоғроқ иссиқхона (теплица) бунёд этдик. Мана, меҳнатимизнинг натижасини ўзингиз кўриб турибсиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бу жойни кўрган кишининг кўнгли яйрайди, кўзи қувонади. Мева-ли дарахтларнинг ўн бешдан

ни олишга ҳаракат қилади. Бирга ишлаганларнинг у кишини ўз тўй-тантаналарига таклиф қилиб, чопонлар кийдириши ҳам бунинг далил-исботи бўлса ажаб эмас.

Эргаш ака ўта олийҳиммат, олижаноб, олийнасаб инсон. Эргаш аканинг қирқ йилдан зиёд вақтдан бери катта давра-улфатчиликнинг жўрабошиси бўлиб келатганлиги ҳам шу боисдан бўлса керак. Йигинлар эса ақсарият жўрабошининг мана шу оромбахш масканида ўтади.

Умрни одатда дарёга қиёслайдилар. Дарё суви жилғалар ҳисобига тўлиб-тошиб оқанидек, инсон умри, ҳаёти ҳам фарзандлари, зурриётлари боис завқ-шавққа тўлади, маъно-маъмур касб этиб бораверади. Уларнинг камолати эса ота-она умрига умр қўшади, дилларини қувончга тўлдирди.

Эргаш ака ўзларининг етмиш

ёш — юбилей ёшларини нишонлаш асносида ҳаёт йўлларини фикран назардан ўтказадилар. — Етмиш йил... Бу йиллар, иншооллох, бесамар ўтгани йўқ. Ҳар бир яхши иш, эзгу орзу-тилақлар, соф ниятлар ўз самарасини бермоқда...

Эргаш ака Сайёра опа билан турмуш қуришганига ҳам бу йил эллик йил тўлибди. Бу "олтин тўй" деганидур. Дарвоқе, Сайёра опа Ризаева ҳақида. Сайёра опа "Юлдуз" фирмасида ўттиз йилдан ортиқ техника назорати бўлими бошлиги бўлиб ишлаб, пенсияга чиққанлар. Бундан ўн йиллар муқаддам исломнинг фарз амалларидан бўлган Ҳаж ва Умрани адо этиб, Каъбатилло зияратидан Ҳожи она бўлиб қайтганлар.

Эргаш ака ва Сайёра опа тўрт ўғлонни тарбиялаб вояга етказишди, уларни уй-жойли, ўқимишли, эл-юрт хизматига камарбаста қилишди. Бугунги кунда улар ўн икки набира+иқки эваранинг бобо-бувилари бўлишиб, кексалик гаштини сурмоқдалар.

Эргаш ака! Таваллуд топган кунингиз (11 декабрь) — 70 йиллик юбилейингиз ва оилавий "олтин тўй"ингиз билан Сизни ва Ҳожи онамизни дўстларингиз — улфатлар номидан чин қалбдан табриклаб, Сизларга Яратқандан сийрат-саломатлик ва узок умр тилаб эканман, Ҳазрати Алишер Навоийнинг ушбу байтлари Сизларга бевосита дахлдорлигини қувонч билан таъкидламоқчиман:

**Бу гулшан ичра йўқдур баҳо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.
Суръат АБДУКАРИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист.**

Дилноза Рашидова Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг аълочи ўқувчиларидан. У яқинда "Тараққиёт 2007" минтақавий илмий-амалий конференциясида ўз илмий иши билан иштирок этиб, совринли ўринни эгаллади. У лицейда ўтказилган барча тадбирларда фаол иштирок этади. Дилноза оилада онаси Феруза опага кўмакчи, уй-рўзгор юмушларини ҳам ўрнига қўйиб бажаради. Ота-она фарзанди соғ-саломат вояга етганда, бир қарра бахтли бўлса, ўз билими билан ҳаётда ўз ўрнини топса, ўн қарра бахтлидир, — дейишади. Замондошимиз Дилноза Рашидова ота-онасининг, элининг ана шундай қизларидан.

Сувратчи—Миробид МИРСОДИКОВ.



СУРАТДА: Дилноза онаси Феруза опа билан.

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР



Кейинчалик Эргаш Ризаев Тошкент вилояти китоб савдоси бўлими мудир, директор ўринбосари, Республика китоб базаси директори, Тошкент шаҳар китоб савдоси бошқармаси директори лавозимларида меҳнат қилди. У республика пойтахтида ўттиздан ортиқ янги замонавий дўконларининг қурилиб, ишга туширилишига бош-қош бўлди.

Биз матнимизнинг шу ерига қадар Эргаш Ризаевнинг давлат идораларидаги 43 йиллик меҳнат фаолиятининг айрим қирраларинигина ёритишга ҳаракат қилдик. Энди эса, қаҳрамонимизнинг турмуш тарзига, оилавий муҳитига бир оз тўхталиб ўтсак.

Эргаш ака пенсияга чиқсам, шахар чеккасида бир дала-ҳовли сотиб олсам, у ерни ўзлаштириб боғ-роғга айлантiram, оилам ва дўст-биродарлар учун дам олиш маскани қилиб қўйсам, деб ният қилар эдилар.

ортиқ тури ҳосилга кирган. Сўриларда олтиндек товланиб осилиб турган узум бошлари, ял-ял ёниб турган лимонлару хурмолар, анорлару беҳилар, бир-биридан чиройли бўлиб, барқ уриб очилиб ётган турфа гуллар пешона тери — инсон меҳнатининг махсули эканлигига имон келтиради киши.

Мен Эргаш акани деярли эллик йилдан бери биламан. Биз бирга ўқидик. Улар билан турли сафарларда, дам олиш масканларида, оилавий йигинларда, улфатчиликларда бирга бўлганман. Ҳозир ҳам биргаман.

Эргаш ака яхшилик қилишга, бировнинг оғирини енгиллатишга доимо шошилади. Ҳаётини фалсафаси: одамларга яхшилик улашиш, хушмуомила бўлиш, ахдга вафо қилиш, ҳамманинг кўнглини олишга ҳаракат қилишдир. Шу боис каттаю-кичик Эргаш аканинг иззат-ҳурматини жойига қўйишга, кўнгли-



Яқинда World Vision International Халқаро инсонпарварлик ташкилоти кўмаги ва Яққасарой туман ҳокимияти, хотин-қизлар кўмитаси ва маҳаллалар ҳамкорлигида Яққасарой туманида имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш Маркази ўз фаолиятини бошлади. Марказ махсус эҳтиёжли болаларга ва уларнинг оилаларига мутахассисларни жалб этган ҳолда социал, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ёрдам ташкил қилиш, уларнинг билимини ва профессионал кўникмаларини ошириш учун тадбирлар ўтказиш ва техник ёрдам беришни режалаштирган.

«КУТИЛГАН МЕҲМОН»

4 нафар фарзандимдан 3 таси ўқувчи, улар ҳар куни меҳрибон дадамиз (ўқитувчи) билан ўқишга жўнашади. Мен эса уларни эрта тонгда мактабга жўнатар эканман, бу уч боланинг дил сўзларини таҳлил қиламан ва баъзиларини сизларга ҳам ҳикоя қилмоқчиман.

— Дада, бугун уйимизга «кутилаётган меҳмон» келади, мен бориб олиб келаман.

— Йўқ, мен бораман...
Хафтанинг ҳар пайшанба ёки жума тонги «Кутилаётган меҳмон» бу «Оила ва жамият!» кириб келади. Уйимизда унинг келишини ҳамма кутади, кичик ўқувчидан то катта ўқитувчигача.

— Олиб келдингизми? — мен ҳам шу куни уларнинг келишини сабрсизлик билан кутаман. Чақалогимни бешикка солиб, «кутилган меҳмонни» қўлга оламан.

Ана энди бошланади тортишув:

— Менга болалар саҳифаси, — дея ўғлим қистайди.

— Менга кундалик янгилликлар ҳақидаги саҳифаси...

— Менга «Табобатнома» си...

— Менга «Акс-садо» си...

— Менга ташрифлар ҳақидагиси...

Хуллас, бир оила тортишувлари бироздан кейин жимжитликка айланади-ю, яна тортишув, фикр алмашиш бошланади.

Хуллас, газетамизнинг фарзандларим тарбиясига қанчалик таъсири катта эканлигини сезиб қувонаман.

Мен бир оиланинг бекаси, фарзандлар онаси, мактаб ўқитувчиси сифатида «Оила ва жамият» юртимиздаги ҳар бир хонадонда «кутилаётган меҳмон» бўлиб қолишини чин қалбидан тилайман.

**Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳри.**

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Дилкаш ва беминнат суҳбатдошингиз— «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газетасига 2008 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Обуна индекси:

Жисмоний шахслар учун—176

Корхона ва ташкилотлар учун—177

Обуна—2008

ЎГИЛ БОЛА

Бекатда автобус кутиб анча туриб қолдик. Тушлик вақти бўлса керак, шоферлар тамадди қилишаётгандир, деди бир аёл ҳамроҳига. Мен зерикмаслик учун газетанинг у ёқ, бу ёғини кўраётсам, рўпарада бир йигит ва қиз бир-бирларига шундай қилиқлар қилишяптики, тавба деб ёқа ушлайсиз. Ўзбекнинг боласи, ўзбекнинг қизини нима жин урган ўзи? Жамоатни, кўчани, каттани, кичикни билмаса? Атрофдагиларни кузатдим. Одамларнинг уларга нигоҳлари тушиши билан кўзларини олиб қочиб, ўзларини кўрмаганликка солсалар ҳам кўрмай иложи йўқ. Рўпарада уятли бир текин томоша давом этарди.

Хайрият, автобус келиб қолди-ю, одамлар автобусга чиқа бошлашди.

яқини деб тушундим, дув қизарганича бошини ердан кўтаролмасди. Чунки аксарият ёшлар: "Кўчада кўнгилга келганини қилиш мумкин. Бундай пайтда бегоналарнинг сўз айтишга ҳаққи йўқ, ҳадди сигмайди", деб билишади. Йигит унга ҳеч нарса демади. Ҳар ким ўзича, ўз хаёли билан банд. Орият чўчиб, хушёр тортган қиз ҳам бошини ердан кўтармасди...

"ЯХШИНИНГ ЮЗИ..."

"Саховатли бойлар чойхоналарга мусофир меҳмонлар учун ҳақ ташлаб туришган..."

Автобусда оламини "унутганча" суҳбатлашиб кетаётган отахонлар ёнида туриб қолдим. Уларнинг суҳбатидан кўнгилм ёришиб, кулоқ тутар эканман, бу меҳмон амакилар кўзимга елкалари қирдай, чехралари хурдай, сўзлари булбундай,

Чолнинг "ҳозир тушаман, атиги бир бекат" деганига ҳам кўйишмай мулозиматда давом этишарди:

— Бир бекат дейсизу, ҳали анча юрасиз, хўп денг, отахон...

Бу холдан завқи келдим, ёшроқ бир эркак жилмайиб ўрнидан турди:

— Мана бу ерга ўтира қолинг, марҳамат, отахон.

Отахон жойлашиб олгач, чоллар юзларига фотиҳа тортиб, хуш келибсиз қилишиб, "сиз қаердан, биз қаердан", қабилида сўраша кетишди...

Тиқилинч сабабли мен чоллардан узоқлашиб, уларнинг суҳбатларидан узилишиб қолдим ва кейинги бекатда тушаёттиб, кўнгилмга қадрдон бўлиб қолган ажойиб инсонлар томон яна бир назар ташладим. Чолларнинг боши бир жойда, ҳозир тушмоқчи амаки эса иккала меҳмонга бир нарсаларни гапириб борарди. Бу кўриниши мен бир-бирларини излаб юрган ва ниҳоят автобусда топишиб қолган "яхшилиқ фаришталари" деб атарканман, уларни бугун учинчи "фаришта"нинг хонадонидида меҳмонда тасаввур этиб, қувониб кетдим. "Яхшининг юзи" деганларидек, бугунги кун ишда ҳам омадли келди...

ўқтамлигидан завқим ошиб, ўзимча жилмайиб кўйдим. Бугунги кунга ўзи шундай дадиллик етишмаётгандек эди наздимда. Ўғиллар мард, қизлар назокатли бўлиши учун оталар ўқтам бўлмоғи керак, деган фикр ўтди кўнгилдан. Лекин отанинг "ҳукмрон"лиги бировларнинг гашига теккани ҳам сезилиб турарди. Чиптачи яқинлаб кела бошлади. Ота чўнтагини ковлади, саргайиб кетган ҳужжатини кўрсатганича йўл ҳақини узатди. Чиптачининг юзи ўзгариб деди:

— Кинишкангизнинг печати йўқ-ку... — Нима?

— Кинишканинг охириги варағида тўртбурчак печати бўлиши керак.

— Қаердан оламан шу пайтда печатни? Сан печатга эмас, мани ўзимга қара, шу ўтиришим печат эмасми?

— Мен тўрт бурчак печатга ишонаман. Унда "йўлқира эллиқ фоиз тўланади" деб ёзилган бўлади.

— Менинг қулогим кар, қаттиқроқ гапир!

Чиптачи ҳам ўзига етарли даражада автобусда ягона ҳукмронлигини намоиш қилмоқчидек жавобда шартиллади:

ИБРАТ БЕКАТЛАРИ

Йигит билан қиз орқа эшиқдан чиқиди. Энг охири ўриндиқнинг бурчак жойига қиз, унинг ёнига йигит жойлашди. Мен кўз қиримни ён томонга ҳарчанд тортмайин, уларни кўриб туриш бахтига муяссар эдим. Албатта, муҳаббат гўзал Дунёдир. Муҳаббат насиб қилганлар бор, қилмаганлар бор... Муҳаббатнинг кўзи кўр, дейишади. Аммо ушбу саҳнага қиёс қилинадиغان бўлса... Ошиқларнинг ўзларини адабсиз тарзда тутишлари жамоанинг гашига тегиб турса-да, уларга бир сўз дейиш ундан ҳам адабсизликка ўтшарди. Шу билан бир қаторда кўриб кўрмаганга олиш ҳам ахлоқсизликни қўллаб-қувватлаш билан баробардир. Ниҳоят куч топдим. Ёнимга ўтирилиб, йигитчага, — "Ўғлим, сизни бир минутга мумкинми?" дедим. Йигит ёнимга келиб салом берди. Ўтиришга таклиф қилдим. Узр сўраб, муддаога кўчдим.

— Ўғлим, аввало, мени бир холангиз ёки аммангиз, жуда бўлмаса, бир яқин кўшингиз ўрнида кўришингизни истардим. Рухсатингиз билан бир, икки савол берсам?

Йигит "розиман" дегандек бош ирғади.

— Шу гўзал қизимни яхши кўрасизми?

— Ҳа.

Йигит хиёл қизаринса-да, саволим малол келганини билдирмаслик учун жилмайгандек бўлди. Ақли бола экан, кечди кўнгилдан. Яна давом этдим:

— Яхши. Агар шу қиз ўрнида сизнинг синглингиз ёки опачангиз бўлса, шундай ҳолатда ўтиришини истармидингиз?

— Мен ёлғиз ўғилман.

— Ўқийсизми?

— Ҳа. Авиатсионийда. Иккинчи босқич.

Баракалла. Омадингизни берсин.

Жуда ҳам хурсандман. Лекин сизга бир насиҳатим, хуш кўрмасангиз ҳам гап келганида айтгайин. Ҳақиқий йигитлар яхши кўрган қизининг, ифбатли қизининг обрўсини сақлайди, дейишади.

Агар қиз ўзи мойиллик билдирса ҳам. Иккинчидан, ўзини осонликча йигит ихтиёрига топшириб қўйган қизларнинг муҳаббати ўткинчи бўлади, болажон. Ундай қизлар билан ҳаётни қўшишни ақлдан санашмайди донолар... Сизни ҳақиқий ўғил болалардан деб билганимдан шуларни айтмоқчи эдим. Гапларимни ойиҳонингизга айтиб кўрингчи, нима деркинлар? Саломимни ҳам айтинг. Ранжитиб қўйган бўлсам, яна бир бор узр, болажон, раҳмат сизга...

Йигит ҳам раҳмат айтиб, жойига бориб ўтирди. Гап нимадалигини билган қиз балки мени йигитнинг бир

ўзлари гўё ўзга сайёрадан тушган фариштадай кўриниб кетди. Автобус Тошкентнинг машҳур "Анҳор" чойхонаси ёнидан секинлаб ўтар экан, қорақўлдан чўзинчоқ телпақ кийган амаки деди:

— Бу ерлар ҳам бошқача бўлиб кетибди. Ҳозир қадимги чойхоналар қолмади-да, нима дейсиз?

— Ҳа, энди замонавийликда, ошна. Бунисининг ҳам ўз гаши бор-да, сизу биз эскирапмиз.

— Лекин чекка вилоятларда чойхоналар тутуми, хизмати қам катта шаҳарларникидан фарқ қилади. Узимизнинг Бухадан мисол, мусофир чойхўрни дарров ажратиб олишади. Олдига тузатилган патнис кўйишади, ҳол-аҳвол сўрашади. Фарғона, Наманган томонларда ҳам шундай: мусофир чойхўр кўчада қолмайди.

— Тўғри, ривожланган сари одамларда "қадрлашишга" эҳтиёж пасайиб борар экан, айниқса катта шаҳарларда, нима дейсиз?

Бу амаки, наздимда, тараққийётни ҳам қадрлар, шу билан бирга "эскираётган қадриятлар"дан ҳам айрилгиси келмасди.


— Саховатли бойлар чойхоналарга мусофир меҳмонлар учун ҳақ ташлаб туришган. Эндиликда... Йўқ, нима бўлганда ҳам инсонпарварлик, ҳомийлик, меҳмоннавозлик заминимиз кишиларининг жон томирига сингиб кетган, бу одатларнинг нутилишига ишонмайман.

— Албатта. Фалончи бойнинг, ёки фалончи олимнинг, домланинг маҳалласи, деган гаплар ҳозир ҳам бор. Шунга қараб билаверасиз...

Шу пайт автобусга бир кесароқ киши чиқди-ю, меҳмон чоллар йўловчининг истиқболига кўзгалиб қолишди:

— Қани, қани келсинлар, отахон.

— Бу ёқдан, йўқ деманг, келинг энди...



— Сизнинг қулогингиз кар бўлса, менинг тилим заҳар...

— Ҳа-а, тилинг заҳар. Сен билан яшаган эрга дўзах тайин даявер...

Чиптачи отанинг сўзини тасдиқлагандек тилидан заҳари томиб "қани билетларингизни олинглар-чи", дея хизматда давом этди. Навбатдаги бекатда тоғора кўтарган учта-тўртта аёллар чиқиди.

"Заҳар" бир пасда "асал"га айланиб: "қани катталарга жой берамизми?" дея ёшларни ҳимматга чорлади. Икки йигит жой бўшатди. Аёллар "сиздан, сиздан" дея мулозиматга киришган эди, "заҳар":

"талашманлар, бўлмаса ўзим ўтириб оламан", дерди танишларига овозлари бошқача товланиб. Бурилиб қарадим, у қулимсираганча пул олиб, чипта берарди. Ҳозиргина чиндан ҳам заҳардек чакиллаб турган чиптачи бир пасда ёқимли ҳамширага айланиб қолганди. У менинг ёнимдан ўтаётганида қизиқдим.

— Қизижон, мумкин бўлса, айтинг-чи, шу тўрт бурчак муҳрининг идораси қаерда ўзи?

— Пенсия тайинлайдиган жойда босиб беради. Дафтарчининг охириги варағига муҳр уради.

Шундан кейин ҳамма автобусларда эллиқ фоиз ҳақ билан кетаверади.

— Раҳмат, соғ бўлинг.

У жилмайганича узоқлашди. Кимлардир тушиб, яна кимлардир чиқиди. Икки ўсмир йигитчалар қайсиқидир қизининг қийимларини муҳокама қилиб кетишарди. "Э, бўмабди, ялтираган бир нарсани кийиб олибди, ниначига ўхшайди. Оёқлари ҳам...", "Санжар амакининг самовар тарашалари бўларди..."

Афсус, бу менинг бекатим... Йигитчаларнинг ҳеч кимларникига ўшаманган суҳбати давомини эшитмадим-да...

(Давоми бор)

Раъно РАҲМОНБЕРДИ ҚИЗИ

"ТўРТБУРЧАК МУҲР"

Доимо бир хил автобусларга чиқиб юргангиздан чиптачилар ҳам, йўловчилар ҳам кўзга иссиқ кўриниб қоларкан. Бугун кечроқ чиққанамгами, автобусда одам сийрак. Дярли ҳамма йўловчилар ўриндиқда ўтирган ҳолда борарди. Кейинги бекатда бир неча ёшлар, икки-учта қария чиқиди. Хассали отахон орқароқ ўтиб, ёшларга етиб боргунича қўйнайиб қоладилар деб, жой бергани кўзгалдим. Отахон: "ўтир, сендан ёшроқлар ҳам бор", дедилар каловланиб. Шу заҳоти бир неча ёшлар ўринларидан кўзгалишди. Отанинг "сен"лаб гапириши-ю, юрт эгасига хос

қани билетларингизни олинглар-чи", дея хизматда давом этди. Навбатдаги бекатда тоғора кўтарган учта-тўртта аёллар чиқиди.

"Заҳар" бир пасда "асал"га айланиб: "қани катталарга жой берамизми?" дея ёшларни ҳимматга чорлади. Икки йигит жой бўшатди. Аёллар "сиздан, сиздан" дея мулозиматга киришган эди, "заҳар":

"талашманлар, бўлмаса ўзим ўтириб оламан", дерди танишларига овозлари бошқача товланиб. Бурилиб қарадим, у қулимсираганча пул олиб, чипта берарди. Ҳозиргина чиндан ҳам заҳардек чакиллаб турган чиптачи бир пасда ёқимли ҳамширага айланиб қолганди. У менинг ёнимдан ўтаётганида қизиқдим.

— Қизижон, мумкин бўлса, айтинг-чи, шу тўрт бурчак муҳрининг идораси қаерда ўзи?

— Пенсия тайинлайдиган жойда босиб беради. Дафтарчининг охириги варағига муҳр уради.

Шундан кейин ҳамма автобусларда эллиқ фоиз ҳақ билан кетаверади.

— Раҳмат, соғ бўлинг.

У жилмайганича узоқлашди. Кимлардир тушиб, яна кимлардир чиқиди. Икки ўсмир йигитчалар қайсиқидир қизининг қийимларини муҳокама қилиб кетишарди. "Э, бўмабди, ялтираган бир нарсани кийиб олибди, ниначига ўхшайди. Оёқлари ҳам...", "Санжар амакининг самовар тарашалари бўларди..."

Афсус, бу менинг бекатим... Йигитчаларнинг ҳеч кимларникига ўшаманган суҳбати давомини эшитмадим-да...

(Давоми бор)

Раъно РАҲМОНБЕРДИ ҚИЗИ

ҲАЁТ ЧАРХПАЛАГИ

кин одимлайди. Бу — ҳаёт қонуни. Қол-қора сочлар ўрнини кумушдек оқ толалар эгаллайди. Бу — умр. Инсон ту-

туғилиш, кексайиш бу мўъжиза. Инсон йўловчи. Дунё йўл. У ҳалатидан бошлаб у ҳаракатда бўлади (туғилгунча ҳам). Юраверади, юраверади то кексалиқ бекатигача. Нега ух тортаёписиз. Хўрсинаёписизми? Шукр келтиринг. Кексариш ҳам бахт. Шу бахтга ҳам-мани етказсин. Зеро, кексалиқ бахтига етганлар бор, етмаганлар бор. **Дилфуза ҲОТАМОВА, Бўка тумани.**

Қатра

БАХТ ҚУШИНГИЗНИ УЧИРИБ ЮБОРМАНГ...

- Исмин Нафиса, ёшим 18 да, - дея сўз бошлади кўнгирак қилаётган киз. - Лекин, ёш бўлишимга қарамай, жуда кўп изтироблар чекдим.

- Нима сабабдан?

- Ғам андуҳимнинг сабабчиси бўлган "у" билан мени дугонам таништирди. Аслида у дугонамнинг дўсти эди.

Биз учаламиз бирга овқатларна, бирга киноларга тушар, суҳбатлашар, сирлашардик... Бир куни у негадир ёлғиз келди. Дугонамни чақириш баҳонасида чиқиб кетаётганимда у мени тўхтатиб, айна меннинг олдимга келганини айтди. Яна менда зарур гапи борлигини ҳам кўшиб қўйди. Биз у билан олийгоҳимиз олдидаги кафега кирдик. Овқатланиб бўлгач, у бир мuddат жим қолди. Ниҳоят, гап бошлаб, биринчи учрашувдаёқ мени ёқтириб қолганини, менсиз яшолмаслигини айтди. Мен бўлсам унинг гапларини ҳазилга олиб кулиб қўйдим. "Сиз менга ишонмаяпсиз, бу шунчаки гап эмас. Кўрасиз, ҳали сиз ҳам мени севиб қоласиз", - деди.

- Кейин нима бўлди.

- У олдимга ҳар куни келарди. Ўзим билмаган ҳолда мен уни севиб қолдим. Лекин, мен бу ҳақда ҳеч қачон унга айтмагандим. Бир куни: "Менга турмушга чиқинг, уйингизга онамларни юборсам майлими?" - деб қолди. Мен яна ҳазилга олиб: "Йўқ", - дея жавоб бердим. Бу таклифни менга бир неча бор қайта-қайта айтди, ялинди.

- Сиз нима дедингиз?

- Ахир, айтинг, қандай қилиб мен унга қиз бола бошим билан уялмасдан: "Ҳа, келишин", деб айтаман? Шундай қилиб кунлар ўтаверди. Биз ёғи таштилга чиқдик. У менга ҳар куни кўнгирак қиларди.

Яна кўз келди. Ўқиш бошланди. Биз у билан яна учрашдик, лекин бу галги учрашув мени бир умрга бахтсиз қилди.

- Нима бўлди?

- У менга фотихаси бўлганини, тўй 24 сентябрга белгиланганини айтиб

таклифнома узатди... Мен турган жойимда қотиб қолдим, қандай қилиб таклифномани олганимни билмайман. У нима учун бундай бўлганини айтди. Унинг уйдагилари, яъни, бувиси: "Энг катта неварамсан, мен тирикчилигимда тўйингни кўрай, чевараларимни қўлимда аллалаб ухлатай", - дебди ва келинликка даъвогар қиз тўрт ховли нарида яшашини айтибди: "Мен уларга "Йўқ" дея олмайман, ахир сизнинг орқангиздан қанча юрдим, ўзингиз рози бўлмадингиз... Тўйга борарсиз, деган умиддаман..." - деди. Биз оддийгина хайрлашдик. Уйга қандай етиб келганим эсимда йўқ. Ахир ўша келинликка даъвогар кизнинг ўрнида мен бўлишим ҳам мумкин эди-ку, деган изтиробли саволлар менга тинчлик бермасди. Лекин минг афсуски, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайдим.

- Кейин тўйга бордингизми?

- 24 сентябр куни ўқишга бордим. Ўзим дарсда ўтирибман-у, хаёлим эса тўйда... Шу маҳал дарсни бўлиб навбатчи қиз мени эшик олдида акам қўтиб турганини айтди. Домланинг рухсати билан ташқарига чиқдим. Не кўз билан кўрайки, эшик олдида унинг дўсти турарди. У мени тўйга олиб кетиш учун келибди!.. Ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Ўша заҳоти нарсаларимни олиб ташқарига отилдим. Етоқхонамга кириб тўйиб-тўйиб



Кўнгиракларингиз...

кетдик. Лекин ҳар гал унинг қўлидаги узугига қарасам, уйлангани эсимга тушиб қоларди ва мен ундан узоқлашишга ҳаракат қилардим. Вақтни қарангки, унинг тўйи бўлганига ҳам бир йил бўлибди. Яқинда у ўғиллик бўлди. У хурсанд, ҳар гапда "ўғлим, ўғлим" дерди. Биламан, ҳамма ўз фарзандини суяди, мактайтиди, яхши кўради... Лекин у яқинда менга иккинчи хотин бўлиб унга тегишимни таклиф қилди.

- Энди нима қилмоқчисиз?

Авваллари, "Оилали йигитни севиб қолдим. Унга иккинчи хотин бўлиб тегмоқчиман", мазмунидаги гапларни эшитсам, ҳар қиз устидан ҳам кулардим, ҳам нафратланардим. Буни қарангки, ўзимга ҳам мана шундай тақдир nasib этди... Йўқ, мен унга иккинчи хотин бўлиб тегмайман. Лекин уни ҳеч қачон унутолмасам керак... Мен сизлардан маслаҳат сўрамоқчи эмасман. Балки, қизларга мен каби адашманг, дейман. Қизлар, илтимос, ҳаётга жиддийроқ қаранг, бепарқ бўлманг... Бахт қушингизни ўз қўлингиз билан мен каби бой берманг...

Азизлар, Нафисага маслаҳат ва далолатларингиз бўлса, бизга ёзиб юборинг. Мақтубларингизни кутамиз.

НОДИРА ёзиб олди.

Мақтубларингиздан бири

ҚАБИҲЛИК

Унга ота-онаси Мўмин деб ном қуйганда, фарзандини мўмин-қобил, инсонпарвар, ота-онасига суянч, мадор бўлишини орзу қилган бўлса ажаб эмас. Аммо воға етган ҳамма фарзанд ҳам ота-онаси орзу қилгандек инсон бўлавермайди.

Мўмин ҳам воғага етгач, ёмон иллатни ўзига жо қилиб олди. Ота-онасининг панд-насихатлари, қўни-қўшиларнинг, маҳалла оқсоқолларининг оғохлантиришлари уни ўзгартирмади. Натижада ўғирлик билан қўлга тушиб, қамоқ мuddатини ўташга тўғри келди. Фарзандининг бу оғир гуноҳини кўтара олмаган онаси бетоб бўлиб қолди. Маҳалла-қўйдан, ҳамқишлоқларидан уялиб, уларнинг юзига қарай олмай, ўғлининг йўлга кўз тиккан ҳолда бу ҳаёт билан хайрлашди.

Мўмин қамоқ мuddатини ўтаб келгач, яшшигина ишда ишлаб, оиласини тебратиб юрди. Аммо бу яхши хислат узоққа чўзилмади. Яна ўзига ўршаган уфатларни топиб, эски хунарига қўл урди. Топган ўғирлик даромадидан ичиб, маст бўлиб, хотини, акаси, янгаларини калтаклашни одат қилиб олди. Ҳатто отасига ҳам қўл кўтарди.

Маҳалла оқсоқоллари уни оғохлантиришди. Мўмин ҳеч кимнинг гапига қўлоқ солмади. Бир куни маст ҳолда келиб, онасини, укасини, тоғасини роса калтаклади. Аранг кунини ўтказиб юрган тоғаси бу калтак зарбини

кўтара олмай, орадан уч кун ўтгач, ҳаёт билан хайрлашди. Мўмин бу фожели воқеадан кейин ҳам ўзига хулоса чиқариб олмади. Тўрт фарзандининг тақдирини, оиласининг тинчини уйламади. Бир куни тунда маст ҳолда келиб, хотинини калтаклай бошлади. Хотини шўрлик эри хушига келгач, қайтиб келмоқчи бўлиб, жонини ховучлаб қочди. Мўмин шу ҳолатида уйга кирди-ю, ухлаб ётган 12 яшар қизининг номусига тажовуз қилди. Бу мудҳиш воқеа қишлоқ ахлини ларзага солди. Агар уни орган ходимлари олиб кетишмаганида, маҳалла ахли уриб ўлдиришлари ҳеч гап эмасди.

Бу бегуноҳ гўдакнинг айби нима? Айби шундай қабих инсоннинг фарзанди бўлганими? Энди бу қизалоқнинг эртанги куни нима кечади? Нега энди нокаотанинг қилмиши учун бу қизалоқнинг юзи қаро, келажаги барбод бўлиши керак? Шунчалик мудҳиш воқеа содир бўлгунга қадар маҳалла оқсоқоллари, посбонларнинг кўзи қаерда эди?

Мен инсон тақдирига, унинг келажагига баҳо беришдан ожизман. Аммо халқимиз аввало меҳр-оқибати бўлишларини, эртанги кунимиз давомчилари бўлган фарзандларимизга эътиборли бўлишларини истайман.

Одабийлик туйғуси ҳеч кимни тарк этмасин.
Суманбар ЧОРИЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Қарши тумани, "Насаф" ш/х.

Баланд қаватли уй олдидаги ўриндикда ўтирган қўшни аёллардан бири шеригига мақтаниб қолди:

- Озода, сизнинг эрингиз қандай билмадим, бизнинг дадамиз роса зўр. Уйда нима иш бўлса бажариб кетаверади. Кир ювиш дейсизми, овқат қилиш, болаларга қараш, тикиш-санчишни-ку қотиради. Ҳамма ишни эплайди.

- Сиз нима қиласиз унда? Айтганларингизнинг бари сизнинг ишингиз-ку. Жа, эрим ювош, қилаверар экан деб, ишингизни ташлаб қўяверасизми? Эракнинг уволи ҳам бор. Фақат бугунни уйламанг-да. Бир куни келиб эраклик гурури кўзгалса борми, унда кеч бўлади ўртоғжон...


ЭРКАК ҒУРУРИ УЙФОНСА...

- Хо, мен бекор ўтирганим йўқ. Ишламаганидан кейин, уйдаги ишни бажаради-да. Ҳар куни бозорга чиқаётган бўлсам. Ишхонадаги иш ўринлари қисқартирилиб уйда ўтириб қолди. Бекор ўтиргунча уй юмушларини қилади-да. Кеча бозордан келсам денг, эрим уйнинг ўртасига ўзининг кийимларини йиғиб, тикиб ўтирибди. Ўзимни кўрмаганга олдим.

- Вой, индамадингизми?

- Нима дейман? Бозордан чарчаб келган бўлсам, келинг, менга беринг дейманми? Куну-тун бекорчи бўлса, тикади-да.

- Бекор қилибсизда қўшни. Ҳали ҳам кеч эмас, эрингиз билан маслаҳатлашиб бирга иш изланг. Чиқиб қолар ўзига мосроғи. Уйдаги майда ишларга, айниқса тикиш-санчишларингизга эрингизни аралаштирманг. Кўнглини кўтаринг, ширин гапи-



ринг, бироз чалғийди. Ҳозир ўзи пул топа олмаётганидан уялиб, ўзини мажбурлаб ўша ишларни қилаётгандир. Бора-бора чекишга, ундан ёмони ичишга ўрганиб қолмасин. Фарзандларингиз ҳам катта бўлиб қолган. Отасидаги ҳолат уларга ҳам таъсир қилмасин.

- Э, қўйсангиз-чи, шу эски гапингизни, ишламаганидан кейин қилади-да.

Қўйинг, уйга кирай, дадаси овқат солиб ўтиргандир.

- Ҳу анов юмалаб ётган одам ким, танимадингизми? Ие, ана туриб келагити. Бу эрингиз Қосимжон-ку, тез бораинг, сизга айтдима эркак гурури уйфонса ёмон бўлади деб.

Бу пайт Қосимжон қўлидаги бир сумка нон билан уй олдига яқинлашиб қолган эди. Мен бу дунёни пул билан ўлчаётган, эрини уй юмушларига аралаштириб қўйган аёлдан нафратлансам, ўтқинчи қўйинчиликларга иродаси доша бера олмай ичкиликка ружу қўяётган Қосимжонга раҳим келди. Сиз-чи, сиз нима дейсиз?

Дилфуза ХОТАМОВА,
Бўка тумани.

ҚАДР-ҚИММАТ БУЛОҒИ

"У нима? Бу нима? Индама!" - 20-сон

ЭСЛАТМА: Бола тарбияси ўта нозик ва жиддий вазифа. Бунда аввало ўзимиз уларга ибрат бўлишимиз, қизиқишлари билан қизиқишимиз, билмаганларини ўргатишимиз керак.

...Аммо ота-она, бобо-буваларнинг ўзи тарбияга муҳтож бўласа-чи?
Муаллиф: Ҳ. Ҳотамбоева



Аксари
- Сиз ҳар доим боламини уришиб юрасиз, шунинг учун у мактабга ҳам келгиси келмайди. Олдин яхши ўқирди, шу йилдан айниб кетди ўқишимиз...

- Яхши, айб менда экан, нега шу маҳалгача бирор марта ўғлингизнинг шикоятни бўйича келмадингиз? Тўрт марта мажлис қилдим - келмадингиз... Олдин ўқиши, хулқи яхши бўлган, шунинг учун ўғлингиз мактаб ички назоратида тураркан-да! Дарсда бирон марта ёзмайди, битта ҳам китоби йўқ. Кечирасиз, қўлингиздаги узук неча пул туради?

- Буми? - аёлнинг кўзи чақнаб кетди.
- Зираги билан икки юз қирқ мингга олганман!
Аёл мағрурлик билан сўзларди.
- Узр-ку, икки юз қирқ минглик кўшакўша тиллага топишган пул уч минг сўмлик китобга етмабди-да?!

Менинг гапларим юрагига тигдек тегди шекилли, аёлнинг кўзлари олакула бўлиб кетди.
- Э, ҳалиям эрим келмади, бўлмаса бо-

ламни ургангиз учун дабдалангизни чиқарарди. Китоб ўқимайди! Керак бўлса уни ўзим "одам" қилиб оламан. Буёғи билан ишингиз бўлмасин!

У менинг гапимни охиригача ҳам эшитгиси келмай, ўғлини эшикка судради... Ўқувчиларимдан яна бири - Ўткир - ўқиса яхши ўқийдиган бола. Аммо тартиби ёмон. Бир куни дарсда нон қавшаб ўтирганига кўзим тушиб, ёнимга чақирдим.

- Бозорга чиқувдим, чой ичишга вақтим етмади, - деди у ерга қараб.
Уйдаги ўта қаттиққўллик болага ўз тасирини кўрсатган. Елкасини қисиб туради. Ўқитувчи сал нари кетса, бўшроқ бола ёки қизларга тегажохлик қилишни бошлайди.

- Ўв, нима девоссан, ҳозир сан билан хув четга бир чиқсамми, каллангни сапачдай узиб ташлайман...
Бу унинг эмас, отасининг гапи. Унинг отасининг иккита новвойхонаси, дўкони бор. Бир-икки бор отасиниям мактабга чақириб, сўхбатлашдим.

- Э, синглим, биз қийналиб ўсдик. Болалар қийналишмасин, деймиз. Отадан эшитганим шу гап бўлди.

- Ўқишни, хулқини сал назорат қилинг. Кейин афсуслиби юрманг, - дея огоҳлантирдим.
Ота "хўп" деди-ю, кетди. Орадан уч кун ўтмади. Кечки соат еттилар эди, чамаси. Ишдан келиб, овқат қилаётганим.

- Устоз, сизни директор қақираяпти, - деб уч ўқувчим келди.
Алип-тапил кийиниб, мактабга чопдим.
- Ўткир бир бола билан стадионда ўғирлик қилибди. Ёнидаги бола "ўғирлик қилгани бормайман" деса, урибди, - чуғурлашиб боришарди болалар.

Борсам, директор кутиб турган экан.
- Уйига бориб, ота-онасидан тилхат олинг, эртага участка милиция таянч пунктига боришин, фарзандлари билан бирга, - деди.

Ўткирнинг уйи анча олдсиз эди. Кеч бўлишига қарамай, бирдим. Дастлаб дўк-пўписа билан кутиб олишди. Сўнг вазиятни англаб популклари пасаиди.

- Болани бўш қўйиб юборибмиз, узр, - деди ота ерга боққанча.
Болани суйишни товук ҳам биларди. Аммо уларнинг тарбияси бутунлай ўзга нарса. Болаларнинг тарбияси ёмонлашиб бораётгани учун ота-она мактабни айбдор деб биларди. Ваҳоланки, мактаб билимлар қалити.

Ўқитувчи эса болани йўналтиради. Тарбияни, ҳа, ҳақиқий тарбияни бола асосан оилада, ота-онасидан олади, кўради, ўрганади.

Шундай экан, фарзандингизга яхшилиқни, яхши нарсаларни ўргатинг. Шундагина у сизни юзингизни ерга қаратмайди. Зеро, яхши хулқ-атвор кадр-қиммат булоғидир.

Фарида ТОХИРОВА

БОЛАЛАРДА ГУНОҲ ЙЎҚ!

Ушбу мақолани ўқиб ёш бўлсам-да, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашмоқча жазм қилдим. Методаки дарсининг "Бола тарбияси" мавзусида устозим бир воқеани гапириб бергандилар.

Бир аёлнинг ёлғизгина ўғли бўлиб у жуда эрка ва тантик бўлиб ўсибди. Бола эмасми, кўшни ҳовлида юмалаб ётган коптокни ҳеч кимдан сўрамай олганида она бу ҳолатни кўриб индамабди. Кейинроқ мактабга борган чоғида синфдош ўртоқларининг қалам-дафтарларини уйга кўтариб келадиган бўлибди. Якка-ю ёлғиз боласининг бу қилмишларини кўриб-билиб турган она, "боламининг кўнглига келмасин", деб тартибга чақирмаган. Ўз кўнглига ҳоким бўлган бола секин-аста каттароқ нарсаларни ўғирлашга қўл урибди. Мактабда ҳам, маҳаллада ҳам унга ўғри деган тавқи лаянат иллинибди. Кунни келиб ўзидай тарбиясиз шериклари билан катта жиноят устида қўлга олинганч, эълон қилинган айблов ва ўқилган хукмдан танг ҳолатга тушган ўғилга сўнги сўз берилди. У: "Мени туғиб катта қилган онамининг ширин тилларидан бир ўпмоқчиман", - дебди. Ёнига келган онасининг тилидан бир тишлабди-ю узиб олибди. Оғзи қонга тўлган она ҳушидан кетиб йиқилди. Нима учун бундай қилганлигини сўрашса: "Мен болалик пайтида ўғрилик қилиб уйга олиб келган нарсаларим учун мени қойиман. Бирор марта менга ўғриликнинг ёмон оқибати тўғрисида гапирганлариди эди, бугун бундай хатонинг қурбони бўлмас эдим", - дебди.

Яқин қариндошимнинг ўғли ота-

"Тўғри йўлга солинг" - 45 - сон

ЭСЛАТМА: Икки қизимдан кўнглим тўқ, сўнги пайтларда ўғлимдан ташвишманман. У аввалга чўнтагимиздан кам-кам пул ўмаран, билиб-билмасликка олаш. Кеча маош олганам. Бугун санаб кўрсам уч минг сўм пул кам чўқди. Ўғлимни бу ўйладан қандай қайтартиришга бошим қолиб қолди...
Муаллиф: Ноҳира

онаси ишда бўлган пайтларида қаровсиз қолиб маҳалладаги бир-иккита тарбиясиз болаларга қўшилиб қолди. Сўроқсиз уйдан пул оладиган, мактабдан кеч қайтадиган, сабабсиз дарс қолдирадиган одатлар чиқарди. Ота-онаси бу ҳолатдан хабар топган болага жиддий эътибор қаратишди. Бундан синф раҳбарини ҳам хабардор қилишди. Болани иложи борича ёлғиз қўймасликка ҳаракат қилишди. Унга турли эртақ китоблар олиб беришди. Уни расм чидаш учун тўғаракка беришди. Тез орада қолдирган дарсларини ҳам ўзлаштириб олди. Бугун Илҳомжон синфдаги энг яхши ўқувчилардан саналади.

Опажон! Менимча болангизнинг кўнгли билан ҳисоблашмай унинг тарбияси билан жиддийроқ шуғулланишингиз, кечикмай бу йўлдан қайтаришингиз керак. Болага нима яхши-ю нима ёмон эканлигини ўргатадиган унинг ота-онаси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро фарзандларимиз бизларнинг келажагимиздир.
Назокат ҲАМРОКУЛОВА,
ТДПУ талабаси.

Мастураҳон! Сизнинг ҳасрат тўла юрак дардларингизни ўқиб чиқдим. Дарҳақиқат, бу борада бировга маслаҳат бериш жуда қийин масала. Ахир она тўққиз ой, тўққиз кун юраги остида асраб-авайлаб туққан дилбандни қандай қилиб бировга бериб юбора олсин? Ҳа, сизни тушунса бўлади. Лекин иккинчи томондан қайно-

ри. Унинг кўнглини кўтар, дардига малҳам бўл. Битта фарзанд экан, ундан жонингни ҳам аяма. Савоб қил", деган бўларди. Сиз билан сўхбатдош бўлган мақола муаллифи: "Эрингиз ҳурмати учун, қолаверса, икки ярим кўнглини бут қилишингиз, бу жуда катта савобли иш бўлса керак. Томирида сиз-

КўНГИЛНИ КЕНГ ҚИЛИНГ

нангиз ҳам сизга нисбатан шафқатсизлик қилаётгани йўқ. Унинг яна бир келинига, бефарзанд овсинигизга ичи ачяпти. Худога шукр, Оллоҳ сизни фарзанддан қисмабди, бир ўғил, бир қизингиз бор экан. Ҳали Оллоҳ насиб этса, яна бир нечта фарзанд кўришингиз мумкин. Овсинигизга эса бундай бахт насиб этмабди, бефарзанд экан. Яна овсиним ёмон қиз эмас, деб ўзингиз айтиб турибсиз. Шундай бўлганч, унга ичингиз ачимайдими? Агар учинчи фарзандингизни туғиб унга берсангиз, бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Савобга қоласиз. Биринчидан, бир тирноқча зор кўнглини хушнуд қилган, иккинчидан, беғонани эмас, ўз эрингизнинг яқинлари дардига малҳам бўласиз. "Эҳтимол онам раҳматлик тирик бўлганларида дардимга малҳам бўлардимилар?.. Бошқа дилдош топа олмаганидан кунора эримга ййғлайман", дебсиз. Аминманки, онангиз тирик бўлганда: "Овсининг ҳам ўз онанг, ўз синглинг қато-

нинг қонингиз оқиб турганидан кейин барибир у сизнинг зурриёдингиз-да", - деб ўринли маслаҳат берибди.

"Бошқоронги" экансиз аввало ниятни пок қилинг, кейин кўнглингизни кенг қилинг. Агар фарзандингизни туғиб, овсинигизга берган тақдирингизда ҳам сиз, менимча, ҳеч нарса ютказмайсиз. У овсинингизнинг ва албатта сизнинг ҳам фарзандингиз бўлиб қолаверарди. Ҳаётда бундай мисоллар жуда кўп. Бир-бирлари билан гўё эгачи-сингилдай яшаётган овсинлар қанча. Бу билан сиз савобга эришибгина қолмай, овсинигиз билан янада яқинлашасиз. Менинг фикрим шундай.

Равшан ИСОҚОВ

"Боламини бергим келмайди..." - 40-сон

ЭСЛАТМА: Бир ўғил бир қизим бор. Учунчи фарзандимга ҳомиллаорман. Қайнонам болам туғилган билан бефарзанд овсинигизга олиб бермоқчи. Ўзимга қолса бўйим тенги тилога ҳам боламини алаштирамаган бўлардим...
Муаллиф: Мунаввара

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Азиз фарзандларимиз АСРОП ва ШАРОФАТХОН!


Таваллу аёёмингиз муборак бўлсин. Сизларга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, бахт-саолат, ишларингизда кампадан-камта муваффақиятлар тилаймиз. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлиб, орзуларингиз амалга ошсин.

Ҳидоятловлар оқласи.
Тошкент шаҳри




Қизалоғимиз МУНИРАХОН!

5 ёшга тўлашнинг билан табриклаймиз. Узоқ умр, соғлиқ тилаймиз. Ҳаётингиз шодлик ва бахтга тўламин. Адажонинг Махсуҳўжа, ойижонинг Ферузахон



Ҳурматаи НАСИБА!


Таваллу аёёмингиз муборак бўлсин. Танижонинг соғ, умрингиз узоқ бўлсин. Фарзандлар камолани, набиранлар жамолани кўриш насиб этсин. Умр йўлаошинг Жаалоубой.



Фарзандимиз АБДУВАЛИЖОН!

58 ёшга тўлашнинг билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, бахт-саолат бўлинг. Бахтимизга соғ-саломат бўлинг.


Отангиз Абауллалон, онангиз Каромат Тошкент шаҳри



Мансур АБДУНАЗАРОВ!

Туғилган кунинг билан табриклаймиз. Ишларингизда муваффақият, ҳаётингизда қувноқ даamlар кўп бўлсин. Ҳамиша соғомон бўлиб, фарзандларингиз эъзозда юргин.

Дўстларингиз: Исроил, Майя ва Холат



Онажоним МУНАВВАР!

Таваллу аёёмингиз билан табриклаймиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг. Ўғлингиз Отабек

Онажоним Гуласара БҮРИБЕКОВА!
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга соғ бўлиб, узоқ умр кўринг. Оила аъзоларингиз.

САБОҚЛАРИМ—ХУЛОСАЛАРИМ

→ Қабр тоши, ундаги лавҳа, сурат бу бир тарих бўлгани ҳолда, гам-ташвишларингиз тўлиб кетганида у ерга бориб кўнглингизни бўшатиб келадиган ва шу билан таскин топадиган охириги манзилгоҳингиз ҳамдир. Бежиз эмаски, ўша ерни зиёрат қилган одам доим ҳовуридан тушиб келади.
Дарақчи қовун-тарвузларни пишиқ маҳал мен туғилибман. Онам қувончлари кўкка етибди. Ахир отамнинг қиз кўриш орзуси амалга ошган экан-да. Афсус, бу хушxabарни отамга етказиш иложи йўқ экан. Чақалок чилласидан чиқибди. Қовун-тарвузларни йиғиштириб, бугун келади, эрта келади, дея кун санаб юрган кезлар, ўз оёғи билан кетган дадажонимни бошқалар олиб келишибди.

Бироз пул ишладим, уйдан хабар олай-чи, деб йўлга отланай, деб турган отамни ертўла босиб қолиб, болаларини эмас, ўғил тўйига йиққан пулларини бағрига босганча ҳаётдан кўз юмибди, оғзи ошга етганда бурни қонабди.
- Мен-ку отангнинг омонатини жо-

намни букиб қўйди.

- Эри ўлганда ҳам бунчалар куймагани, фарзанд доғи ёмон, - дейишарди кўшнлар.

Кулфат келса қўшалоклаб келаркан. Уч ой ўтмай ўт теришга кетган Сирожиддин акажонимни ҳам хушсиз олиб келишди. Самолёт учишини яқиндан кўрдим, деб қизиқиб-қувониб қараган акагинам устидан дорисини шаррос қўйиб ўтибди. Хафта ўтмай унинг ҳам жони узилди.

- Солижон билан жуда иноку сирдош эди, ёнига борди, - у мендан баоқибат экан, - онам йиғлаб-йиғлаб шивирлардилар. Умрларининг охиригача неча марта-лаб айтган бўлсалар экан бу сўзларни.

Ўлганни кўймоқ шарт экан-у, ортидан кетмоқ ихтиёрингда эмаскан. Йиллар ўтди, дардларимиз аригандай бўлди, ҳар қалай онажоним ғамларини қалблари қат-қатларига яширдилар, бизни ўқситмай ўстирдилар. Икки ўғлидан ажралган онам Самижонни шамолдан ҳам асрардилар, топганларини ўзлари емай оғзига тутардилар, ўзлари қиймай яхши қийинтирдилар.

Комати кўркам ва хушрўй акажоним кўрганнинг ҳавасини келтирадиган йиғит бўлди. Қишлоқ қизлари атай дарвозамиз ёнидан ўтадиган бўлишди, дугоналарим кўпайди. Хурсанд эдик, онагинам ёмон кўздан асрасин дея исриқ тутатардилар, ҳар кунни. Деворларга жийда шохлари илардилар, дарвозамиз олдида икки туп жийда ҳам ўстирдилар.

- Қўшни қишлоғимизда яшовчи чўпчи Раҳим аканинг қизи акангни яхши кўрармиш-а, дугон, ростми?!

Ҳамқишлоғимнинг хабаридан севинган бўлсам-да, кўнглим орзиқиб кетди-ю, қулиб жавоб бердим:

- Нима, арзимайдими, бу атрофда Самижондан чиroyли, ақли яна битта йиғитни айт-чи.

- Арзиганда қандок, дугонажон! - деди у. - Фақат ўқишга бормоқчийди, уйланса...

- Ўқийверади, - гапини шартта кесдим, гўё ҳаммасини мен ҳал қиладигандай.
Кўп ўтмай, Самижон онамга совчи-



деяпти, дердилар.

Акам бўлса ора-сира биров келарди-ю, тезгина кетарди. Иши кўплигидан, вақти зиклигидан нолирди ҳамиша. Дарҳақиқат, тиними йўқ эди, неча ойлаб узоқ-узоқларга кетиб қолар, бир кўриниш бериб яна анча бедарак кетарди. Шаҳарда иккинчи хотини, болалари борлиги ҳақида миш-мишлар келарди, ишонмасдик, ўзидан сўрашга ботинолмасдик...

Девор-дармиён қўшни-этиз, отаси вафот этиб, ўқишни сиртқига ўткариб келган Раҳматжонга сўратиб, устма-уст совчилар кела бошлади. Жуда-ям тортинчок, баодоб йиғит, тақдирларинг қўшилса ёмон бўлмасди, дердилар онам маслаҳат солгандай. Ҳам яқин, бир ҳовлидай.

Тақдиримиз қўшилган эканми, онамни ўйладимми, рози бўлдим. Тўйда ҳам ҳамма қатори мезбон эмас, меҳмон бўлиб ўтирган акам кўбини саломга, яккаю ёлғиз жигари - синглисини келин чорларга ҳам арзитмади. Кунора меҳмоннинг оёғи узилмайдиган хонадонга меҳмон бўлиш эримга насиб этмади.

Бу орада онам ҳам оламдан ўтдилар. Эрим, қайнонам онамдай азиз эдилар, у кишига имкон топдимми ўқитаман, деб сўз бергандим, деб мени ҳам институтнинг сиртки бўлимига жойлаштиришди. Олдинма-кетин битирдик, мактабда ишлаш бошладим.

Фарзандлар туғилди - бир қиз, икки ўғилли бўлди, ҳовли-жой қилдик, кўп қатори яшадик. Эримнинг укаларини уйлантириш, сингилларини чиқаришга бош-қош бўлдик. Дўст-ёр орттирдик, қуда-қариндошлар кўпайди. Тўй-маърака қилсак, давраларимиз кенгайди, йўқлайдиган, яхши-ёмон кунимизга ярайдиган жон-жигарлар топдик.

Аммо... Ўзим-ку етим эдим, бағрим ҳам, уйим ҳам етим бўлди. Ҳамма бўлгани билан акажоним, яккаю ёлғиз жигарим бўлмаган тўйларим, хонадоним етимликдан зор қақшади, бағрим кемтикликдан бўзлади, давраларда акагинамни излаган кўзларим қон-қон йиғлади.

АРМОНЛАРДАН ИБОРАТ УМРИМ...

(Боши 12-бетда)

Бадбахтлигимни қарангки, қишлоғимиз чеккасида унинг ишда ҳамкор шериги, улфати яшар ва акам унинг ҳовлисига меннинг дарвозам олдидан ўтиб борарди. Умрида бир мартагина бўлса-да, бағрига суйкалишни, меҳри таптидан қонишни орзу қилган, тоғажонисининг турли-туман машиналарини тенгдошларига мақтандиган болаларим Ҷолиб йўлга чиқшар, тўхтамай ўтиб кетгач, маъюсина қайтишарди.

Бир мактаб боланинг кўзларига боқиб, дилидагисини ойнадай кўра оладиган, мен эса фарзандларим кўзларига қаролмай ўзимни ошхонага урардим, пиёз жонимга оро кирарди. Пиёз фақат қозон файзи, таом лаззати эмас, кўнгил хасратларини тўқиб солиш, бошқалардан пинҳон тутиш воситаси ҳам эди мен учун.

Ғам-ташвишлари, етимлик озорлари вужудини емирган менга у «ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ётмади» деб далда берадиган эримни тўсатдан ажал олди-кетди. На оҳ деди, на воҳ... Кечқурун фарзандларим даврасида куш-хурсанд ўтирган, эртанги дарсларига тайёр-гарлигини кўриб улган сахархез инсонга эрталаб ўз оёғида туриш насиб этмади. Қандай жингина яшаган бўлса, тинчгина жон берди. Узок хизмат сафарига бўлган акам тобуткашликам ярамади.

Орадан уч ойлар ўтиб келди-ю, бизникига бирров кириб, (мен ишда эдим) учрашмай, қайтиб кетди. Хали ўттизга ҳам кирмай ўтин бўлган, уч гўдаги билан бева қолган синглисидан кўнгил сўрамади. Кўргулим шу билан тугаса кошқийди, мени йўқамасаям соғ-саломат юриши ҳам бир бахт эди, у юрган кўчалар энг азиз тахт эди мен учун. Ой ўтмай тобутда келди ўзи ҳам. Онамдан ажралганим, эримни йўқотганим ҳеч нима бўлди бу жудолик олди-да, жигар доғи ёмон экан, дийдор ҳам қийметга қолди-да, ахир.

Ҳаётнинг шафқатсизлигини қарангки, дарвозамдан йиллаб йўқлаб келмай дийдорингизга зору интизор қилган, йўлларини поилаб-поилаб сарғайтирган акажоним барибир келди. Фақат... Ҳовлим рўбарўсида жой-

лашган қабристондан абадий макон топди. Келишларига-ку зор-зор эдим, энди меннинг боришларимдан у безор бўлмасин, дейман.

Яқинда бир ривоят ўқидим у жонсарак бўлиб қолдим. Пайғамбаримиз бир валий билан дўзах ёнидан ўтайтиб ўнг қўли ва ўнг юзидан бошқа барча аъзолари оташу алангада ёнаётган бандани учратибдилар. «Ё, тавба, бу не синоат? Ё Расулulloҳ», - деб сўрабдилар валий.

Расулulloҳ жавоб қилибдилар: «Бу ака яққаю ёлғиз синглисини турмушга чиққач, бот-бот йўқламаган, жигари сифатида меҳр қўсатмаган. Бир кун синглиси яшаётган қишлоқ ёнидан ўтайтиб ҳамроҳига ана у маҳаллада синглим туради, дея юзидан унинг ҳовлиси томонга буриб, қўли билан меҳр-ла кўрсатган. Ҳамма ишдан воқиф Оллоҳ аканинг бир лаҳзаллик ҳолатини тақдирлагани, бир юзи ва бир қўли куймаётганлиги шундан.

Акам ҳафта сайин қишлоқ чеккасидан эмас, дарвозамнинг ёнгинасидан ўтардилар-ку, кирмаганларига кўникиб кетгандик, ахир. Ҳеч бўлмаса ҳар ўтганларида меҳр билан қараганимиз-канлар биз томонга. Нигоҳларимда меҳр бормикан дея ўйлайман. Ҳар тонг дарвозани очаману акам қабрлари тепасига бораман. Умримнинг ҳар кун шун билан бошланади. Ҳовлимдаги гулларнинг энг сараси ҳам акажонимга. Тунлари уйқум қочса дарвоза тирқишларидан қараб-қараб қўяман, қавотир билан тангрига илтижо қиламан: «Кечир акажонимни, агар ҳаётимда неки савобга сазовор бўлган бўлсам, жигаримни тенг шерик қил, гуноҳларидан ўт, ҳар қанча қаҳрингиз меннинг меҳрим поёндоз бўлсин...»

Юрак-бағрим ўртаниб юрганим етмагандай иккинчи хотинидан бўлган болалари ҳам каттагина бўлиб қолибди, деган гапларни олиб келади ҳар ким. Икки ўт орасида ёнаман. Акам-ку тиркилигидега жигарларини пароканда қилиб кетди, уларни бирлаштиришга меннинг кучим, сабру тоқати, умрим етармикан? Мен-ку менга меҳр қўсатмаган, қарамидан кўра қаҳрининг таъминини кўпроқ тотган янгамнинг хурматини андиша қилиб

суриштирмадим. Иззат-нафси лат емасин, дедим. Шундай юраверсам жигарларим юраккинаси лат емайдим, кўнгли ўқисиб бўлиб ўсмайдим, ахир. Ҳар ҳолда мен аммасиман-ку, бағрини бутун қилолмасам ҳам ярагинасига мал-ҳам бўларман-ку, ҳеч бўлмаса. Оромни билмаган жоним осойишини ҳам йўқотди. Юриш-туришимда ҳаловат йўқ. Ақл ҳайрон, юрак вайрон бўзлайди. Киприкларидама уйқу сарсон йилгайди.

Тўйда ё кўчадами қайсидир бола сал тикилиброк қараса юрагим орзиқиб кетади. Болалар нигоҳлари, юзу кўзларидан акаганимнинг изларини излайман. Нигоҳлари кўзлар... Қаён боқмай - рўпарамда бир жуфт кўз. Ўнгимдамас тушларимда ҳам таъқиб қилади мени. Хаёлан жигарларимнинг онаси, нотаниш аёлга мурожаат қиламан, бир кун жиянларимни етаклаб, булар танасида Сизнинг ҳам қонингиз оқпти, бағрингизга босинг деб олиб келадиган кунларни интизорлик билан кутаман. Дийдорлашув ана қийметга қолмасин деб кўркаман.

Ҳаётда нималар содир бўлмайди. Тақдирнинг турли ўйинлари, турфа нағмалари камми. Жигарларни биродарлик сарҳадларидан айри туширган ҳаёт денгизи қайси бир қиргоғу ирмоғида уларни тамом бошқа вазиятларда рўбарў қилса нима бўлади, деб кўркаман. Умрим-ку армонлардан иборат бўлди. Парвардигор ҳеч бўлмаса шу орузимни армонга айлантормасин, рўёбга чиқаришга мадад берсин. Мен-ку ашашган армонларга қўмилиб, аммо қанча руҳлар ҳам безовта. Ишқилиб, ойнинг ўша ёруғ ўн бешини кўриш насиб этсин-да...

Аёлнинг армонлардан иборат дардчил ҳижоисини қандай эшитган бўлсам, шундайлигича қоғозга туширдим. Ўқиб, магазини чақин, токи одамлар ойдинда ҳам адашишмасин.

Бахшанда БОЛТАЕВА, Бухоро вилояти, Гиждувон шаҳри.

ҚИССАДАН ҲИССА

Эскигина йўналишли такси шоҳбекатдаги турнақатор уловлар сафига қўшилиб, секин тўхтади. Сўнги йўловчи тушиб бўлган, эшик қарсиллаб ёпилди. Раҳматилла ўзини орқага ташлаб, енгил «уф» тортиди. «Мана, бугунги кун ҳам ўтди, энди уйга! Бориб бир хом-чўт қилиб кўрсин-чи, эртага машинанинг эгасига ижара пулини бериш керак. Ўтган ойдан каломомади ҳам бор. Эҳ, бу дунёнинг кайси битмас экан-да!» - ўз-ўзинга гулдирди у.

Бир жойда ўтирган билан йўл эзиб юборади: Раҳматилла бошини суянчиққа ташлаганча, ҳатто ўйлашни ҳам истамай, тўғрисидаги юмалоқ кўзгуга термулиб қолди. Шунда беихтиёр кўзгуга акс этган яшил елим халтага кўзи тушди. Кимдир қолдирибди, чоғи. У аста ўйрилиб, биринчи қатордаги ўриндикда турган сумкани кўлига олди. Бир боғи узилган, бўёғим учиб қопти. Ичида газетага ўралган бир нима. Шақли... Раҳматилланинг юраги бирдан ҳовлиқиб кетди. Наҳотки?! Йўге... Шошиб газетанинг бир бурчинчи киртиб кўрди. Ана, пул экан! Раҳматилланинг вужуди ўт туташгандек қизиб кетди. Шунча пул-а! Бир даста беш юзталик! Нимагадир безовта бўлиб, атрофига олазарак қаради. Ҳеч ким уни қузатгани йўқ. Ҳозир шундай машинани ўт олдиради-ю, уйга томон елади. Қанчайин? Кимники экан-а?

Худди шу саволни кутиб тургандек, қалбида исён бошланди. Виждон бош кўтарди. Раҳматилла хаёлан ўзини оқлашга тушди: «Хм, кимники бўларди! Ё бунақа пулни икки кунда топадиган порохўрники, ё тирноғиниям бировга олдирадиган бойвучна одам бўлса, шунчака очик олиб юриб, яна ўтирган жойига ташлаб кетармиди? Мен-чи? Кун бўйи эшшақдай ишлаб, бунча пулни бир йилда эўрга топаман. Бу ёқда болалар катта бўлишяпти... Шу пулга қизимни ўқишга жойлаб олсаммикан-а? Чала ётган ҳаммом қурилишига ишлатсам-чи? Бойваччаларга нима, ўтирган жойида топади яна, бунақа пулдан ўнтасини. Виждонинг заиф овози ўчди... Раҳматилла дадиллашди. У ёқ-бу ёғига қараб, ўзига далда берди: «Мени излаб топгандаям, кўрмадим деб туриб олсам, нимани исботларди? Машинага мингта одам чиқиб тушади». Ўзи сезмаган ҳолда яна пулнинг қанчалигини чамалаб кўрмоқчи бўлди. Урамнинг йиртиқ бурчидан кўриниб турган кип-қизил пуллар чўғ бўлиб куйдиргандек, қўлини тортиб олди. Шу тобда бир-бирига зид хаёллардан мияси ғувиллаб, ўзини гоҳ у томон, гоҳ бу томонга ураётган Раҳматилла азбаройи қўйналагандан овоз чиқариб: «Эй Худо!» - деб борди. Беихтиёр тилга келган ушбу хитоб, худди биров атай айтгандек, хаёлида яна такрор-такрор жаранглади-ю, бирдан фикрлари тиниклашиб енгил тортиди. - Нималар қиялман ўзи, ахир Худо кўриб турибди-ку!»...

У сумкани жойига қўйди.

Қаттиқ хаёлга чўмганидан, ёнига келган одамни сезмай қолган Раҳматилла ҳовлиққан овоздан чўчиб тушди. - Ҳой ўғлим... болам... шопирмасин? А?

- Ҳа, отахон, келинг...
- М-мен... бир нарса...
Мўйсафдиннинг ёшли кўзлари катта чироқлар ёғдусида аянчилик қақнар, оппоқ соқолининг учлари аъзоибаданга монанд дир-дир титради.

- Пулни, ота, яшил сумкада-а?
Отахон асабий бош ирғади.

Раҳматилла қаққон ҳаракат билан сумкани олиб, унга узатди. Шунда бирдан отахон Раҳматиллани бағрига босиб, йиғлаб юборди.
- Э-э, ота, қўйсангиз-чи! Пул топиладиган нарса-ку...
Отахон нам кўзларини пирпиратиб, бошини сарак-сарак қилди.
- Топиладиган дейсан-а, болам. Шу исқотини топгунча уч кун товоним қаварди. Ўзингда йўқ - оламда йўқ деган нарса-ку! Эртага тонгда набаирман, ўғлимдан қолган ёлғиз ёдгоримни «анараса» қилишади, жони қил устида турипти, болам. Ўшанинг ташвиши билан довдираб, нечасига сарғайиб юриб топган манови омонатимни тушириб қолдирибман. Манави тугундаги овқатни авайлагандирман-да. Сени менга Худо етказди, жоним болам, сендан бошқаси бўлса-чи?!
- Йўғ-е, ота, ҳа энди ҳаммаимиз ҳам мусулмонми?!
Раҳматилланинг қизи дувв кизарди. Отахон уни алқай-алқай, дуо қила-қила, ҳатто исмини сўраш ҳам эсига келмай шошилиб хайрлашди. Набрасига шошилди. Агар сал ўзини босиб, тузукрок танишиб олганида, борди-келди қилган бўлармики. Раҳматилланинг почтадан болалар нафақасига қўшиб берган лоторея чиптасига «Дамас» ютиб олганини эшитиб: «Ана, ўзганинг ҳақидан ҳазар қилгани учун, Оллоҳ давлат берибди, халолликнинг шарофати бу», деб ҳар кимга айтиб юрармиди?

Гулчеҳра АСРОНОВА, Фарғона шаҳри.

Ў
З
Т
А
Н
И
Н
Т
Х
А
Қ
И

ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ

(Боши 7-бетда)

- Ўртоқ, сен жуда ошириб юбординг, - дедим мен унга, уни шаштидан тушириш учун. - Сенга унинг тежамкор эмаслиги, супериш-сидириш ишларини наридан-бери қилиши, шарт-шурт гапириши ёқмаганидан шундай хаёлларга бораёспсан. Ақл-хушли, таг-тахтли келининг наҳот шундай хаёлда бўлса? Мен ишонмайман. Мен Ойдинни кузатганман-ку. Унинг ҳам орзулари бор. Қанчадан-қанча умидлар билан ўзи бир йил эмас, бир неча йил институтда Нортойнинг билан бирга юриб, севишиб бир ёстиққа бош қўйган бўлса-ю, сен унинг арзир-арзимас камчилиги, деб шундай фикрларга борсанг, уят! Ҳозир бой хонадонда катта бўлган баъзи ёшлар ўзи шунча. Европача бадавлат оилалардагидек ҳаётга билиб-билмай, тушуниб-тушунмай, кўр-кўрона эргашадиган бўлиб қолишган. Устига устак, келинингнинг пича дағал фелъ-атвори ҳам бунга қўшилиб турибди. Уларни ҳам тушуниш керак, дўстим. Тежаб-тергаб, ҳамма нарсанинг

ҳисоб-китобини қилиб кун кўриб келаятган сен билан менга ўхшаган ўта андишалилар бу бошқа. Шу туйғайли миянгадаги майда-чуйда фикрлардан қайт. Қайнота бўлиб келинқизингни яхши кўр. Иқтисод қилишни билмас экан, яна нималарнингдир фарқига бормас экан, ётиги билан унга ўргат, тушунтир. Хотиннинг ҳам вақти келиб қолганда тежамкорликни, бебилиска пул сарфлашнинг оқибати яхши эмаслигини, инсон ҳаёти умр бўйи бирдай обод бўлмаслиги мумкинлигини эслатиб турсин. Ўзинг айтиб турибсан-ку, бадавлат хонадонда ўсган, деб. Боралора у бунга англаб етати. Маоши битта этикка ҳам етмабди-ку? Бу ёғини ўйлар. Балки, ота-онасига ҳам буну эшиттириб қўйиш керақдир. Улар ҳам пул, озиқ-овқат, кийим-кечакни тежаш, иқтисод қилиш кераклигини айтишар, онгига етказишар. Пировардида, келининг ҳам ҳамма хонадонда рўзгор бир хил бўлмаслигини тушуниб қолар. Мунча шошмасанг, мунча серғумон бўлмасанг, ўртоқ! Ҳаммаси яхши

бўлиб кетади, мана, мени айтди, дерсан... Ҳозир қиз болалигидаги феълли, онгадаги серхаржлиги давом этаёпти-да. Оғир оёқ бўлсин, пасайиб қолади. Ундан-бундан, дугоналаридан эшитати, кўради, қийслайди. Оқибат натижада ўз-ўзидан изига тушиб кетади. Тежамсизлик бу ҳали иллат эмас, дўстим!...

Ҳаммавақт меннинг сўзимга қирадиган қадрдоним ҳозир ҳам мени тушунгандай бўлди. Орадан яна ярим йил ўтганда Анварнинг келини-Ойдинбону хомиладор бўлибди...?!

Келинларнинг хомиладор бўлиши, сўнг фарзанд кўриши нафақат келин-куёвни жипслаштиради, балки қайнона-қайнота билан келинни ҳам жипслаштиради, кўнглини юмшатади, меҳр уйғотади. Болага, неварига товланган мухаббат келинга ҳам, куёвга ҳам товланади ва жавобсиз қолмайди, деб эшитганим бор...

Азимжон ҚОСИМОВ

ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ВА НАЗОРАТ

САЛОМИГА ЯРАША АЛИК

Табиийки, ўз устидан ўрнатилган назоратга муносабат ҳам турлича бўлади. Бу нарса кўп жиҳатдан назорат қилинаётган одамнинг характерида келиб чиқади.

Фаол қаршилиқ кўрсатиш

Назорат қилинаётган одам эр ёки хотин бўлишидан қатъи назар, фаол қаршилиқ кўрсатишда икки хил ҳолат кузатилади. Биринчи ҳолатда, назоратга қарши очикчасига жанжал кўтарилди. Иккинчисига эса жимгина қаршилиқ кўрсатилади, яъни назоратдаги эр ёки хотин ўзини назоратчининг ҳаракатларини сезмаётганга солади, бир сўз билан айтганда ора-сира ўзича гижиниб норозилигини билдириб қўяди, холос.

Тесқари ҳаракатлар

Масалан, рақамни аниқловчи телефон аппаратида назоратчининг рақами чиққанда гўшакни кўтармаслик, назоратчи ёқтирмайдиган кийимларни кийиш, таомларни ейиш камбилар шундай ҳаракатлар жумласига кирилади. Хуллас, назорат қилинаётган киши ўзидаги назоратчи нотўғри деб ҳисоблайдиган ва йўқотишга уринаётган ҳислат, хатти-ҳаракат ва одатларни давом эттириверади.

Қочишга уриниш


Одам жонига тегиб кетган назоратдан қутулиш учун ҳамма нарсага тайёр бўлади. Бунга ярим кечагача ишда қолиб кетиш, бесабаб кўчаларда тентираб юриш, ҳатто дам олиш кунлари ҳам бирор баҳона топиб, уйдан чиқиб кетишга уринишларни киритиш мумкин.

Айёрлик

Ниҳоят, назоратдаги киши, хоҳ у аёл бўлсин, хоҳ эркак бўлсин, шу пайтгача турмуш ўртоғига сездирмай қилиб келган ишларни давом эттириш мумкин эканлигини тушуниб етати ва алдаш, ёлгонни яшириш, қисқаса, "бекинмачоқ ўйнаш" йўлига ўтиб олади.

Таслим бўлиш

Бир кун келиб, ҳамма нарса — ушбу сичқонмушқ ўйини назорат қилинаётган одамнинг жонига тегиши ва у ўзини тўлиқ назоратчининг измига топшириши ҳеч гап эмас. Натижада назорат "қурбони" ҳамма масалада назоратчисининг оғзига қараб турадиган, мустақил қарорлар қабул қилмайдиган, бепарво одамга айланиб қолади.



Кузатганмисиз, оилавий ҳаёт кечириваркан, эр-хотинларнинг бири иккинчисини "тарбиялашга" ҳаракат қила бошлайди. Бунга сабаб эса кўпчилигимизда назорат қилишга бўлган табиий, айтиш мумкинки, инстинктив эҳтиёждир.

НАЗОРАТ УСУЛЛАРИ

Рухшунослар назоратнинг бир неча тур ва усулларини алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Мана уларнинг айрим кенг тарқалганлари.

"Мен яхшироқ биламан!"

Бундай назорат шаклига аёллар кўпроқ мойилдирлар. Одатда бундай аёллар эрлари учун хотиндан кўра кўпроқ насиҳатгўй устоз ёки қаттиққўл она қиёфасида намоён бўлишади. Улар эрларини "қайта тарбиялаш", унга "тўғри йўл" кўрсатишни ўз бури деб биладилар ва бутун диққат-эътиборини шунга қаратадилар. Борди-

ю, бирор масала юзасидан мунозара бошланиб қолгудек бўлса, бундай аёллар: "Менинг айтганим бўлади" ёки "Бу борада сиз ниманиям билардингиз" деб эрининг оғзига урадилар.

Рашк

Бу соф кўринишдаги назоратдир. Рашкчи одам ҳар доим турмуш ўртоғини рашк қилишга ўзида асос ва ваколат бор, деб ҳисоблайди. Энг қизиғи, рашк исталган ёшда пайдо бўлиши ҳамда эркакга аёллар бирдек унинг тузоғига тушиши мумкин экан.

Ҳаддан ортиқ ғамхўрлик

Эр ёки хотинда бу туйғу керагидан ортиқ ривожланган бўлади. Бир қарашда ғамхўрликнинг ёмон томони йўқдек. Аслида ҳам шундай. Аммо ҳар нарсада чегара борлигини ҳам унутмаслик керак-да. Баъзида одамга ўзига керагидан ортиқ эътибор қаратиб, ғамхўрлик кўрсатишга ётган ёқмай қолади ва у бундай ғамхўрликдан қочишга уринади. Бу эса турмуш ўртоғини янада кўпроқ ташивлантиради ва у ўз ғамхўрлигини етарли эмас, деб билиб, ҳаддидан ошиб бораверади.

Камситишлар

Бундай назоратни эркаклар ва аёллар бирдек қўлайдилар ҳамда иккинчи томоннинг қобилият ва иқтидорларини камситишга уринадилар. Бунда мунтазам равишда "Менсиз сен ким ҳам бўла олардинг?" "Сенинг товۇк мия ақлинг бу нарсаларга етмайди", "Тушунмаган нарсанга бурнингни тикма" каби камситувчи иборалар ишлатилади. Натижада назорат қилинаётган одамда ўзига бўлган ишонч аста-секин сўниб боради ва у назорат қилувчининг чизган чизигидан чиқмайдиган бўлиб қолади.

Эҳтиёткорлик

Аёллар томонидан қўлланиладиган анъанавий назорат усули. Фарзандлар тарбияси билан машғул бўлган аёл уларни ҳар доим ва ҳамма жойда эҳтиётлашга, авайлаб-асрашга ҳаракат қилар экан, ўзи сезмаган ҳолда хатти-ҳаракатларининг ушбу усулини эри билан муносабатларга кўчиради. У эри ўз эътибори ва назорат доирасидан чиқиб кетишига йўл қўймайди интилади. Ҳар қадиқада эрининг қаердалигини, ким билан эканлигини, нималар билан машғуллигини билиб туришга ҳаракат қилади.



ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ — МУРОСА...

Муносабатларни назорат қилиб туришга интилиш, ҳаётимиздаги барча нарсалар каби ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. Бир томондан, эр ва хотин ўртасидаги яқин муносабатлар маълум маънода назоратни назарда тутати. Чунки яқин кишининг ҳаётида қайсидир даражада иштирок этиш ўз-ўзидан назоратнинг бир тури ҳисобланади. Масалан, муҳим масалалар юзасидан, улар бир кишига тааллуқли бўлса, келишган ҳолда қарорлар қабул қилиш, биргалликда келажак режаларини тузиш кабилар.

Бошқа томондан қараганда эса, назорат энг мустаҳкам деб ҳисобланган муносабатларнинг ҳам дарз кетишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Шу боис эр ҳам, хотин ҳам назоратнинг чегарасини

аниқлаб олишлари лозим. **Ўзингизга четдан назар солиб кўринг.** Эҳтимол, сиз ўзингиз хоҳлаган нарсага эриша олмаётганингизга жуда ҳам очикча назорат олиб бораётганингиз сабабдир?! Демак, стратегиянгизни ўзгартиришга уриниб кўришингиз керак. Масалан, қаттиққўллик билан эриша олмаётган нарсангизни яхши гап, ширин сўз билан қўлга киритишга уриниб кўринг. Ажабмас, ҳаммаси ўйлаганингиздек бўлиб чиқса.

Ўзингизни сиз назорат қилишга уринаётган одамнинг ўрнига қўйиб кўринг(қани унинг ўрнида ўзингизни қандай ҳис этар-

кансиз). Ишонаверинг, бу жуда самарали усул. Аммо бу усул керагидан ортиқ назорат боис муносабатларига дарз кетган жуфтликларга фойда бериши мушкул.

Эрталаб ўз-ўзингизга бугун жуфтингизни назорат қилмасликка ва шу билан уни эзиб ташламасликка сўз беринг(бирор ҳафта шу қоидага амал қилиб яшашга уриниб кўринг). Кун охирида эса натижаларни таҳлил қилиб кўринг: нималарни уддаладингиз, нималарга эса кучингиз етмади. Ўз-ўзингизни энгшидан ташқари, жуфтингиз билан муносабатларингиз ҳам ижобий томонга

ўзгариб бораётганини, у ҳаммасига "оёқ тираб" қаршилиқ қилишдан қайтаётганини ҳис эта бошлайсиз.

Турмуш ўртоғингизни танқид қилишдан тўхтаган. Айниқса, уни сизга уй-рўзгор юмушларини бажаришда ёрдам бермасликда айблашингиз жанжалдан бошқа натижа-

га олиб келмаслиги аниқ. Оилангизда дўстона об-хаво муҳитини яратишга интилинг: турмуш ўртоғингиз ҳозир бирор ишни қилишини хоҳламаётган бўлса, уни мажбурламанг; тез-тез ундан маслаҳат сўраб туринг ва ҳоқазо.

ДАРМОН тайёрлади.



ҲАР ДАРДНИНГ ЎЗ ДАВОСИ БОР



✓ 0,5кг. тозаланган саримсоқпиез ва 2 дона уруғлари ажратилган лимон тозаланиб, гўшмайдалагичдан ўтказилади. Сўнг 0,5 кг. асал қўшилади. Бу ажойиб малҳамни дарҳол истеъмол қилиш мумкин. Бу шифобахш аралашма **хужайраларни тозалаб, инсулт ва атеросклерознинг олдини олади.** У тугагандан сўнг 1 ой танаффус қилинади ва яна тайёрлаб ейиш мумкин.



✓ **Пародонтознинг олдини олиш** ва милкдаги ҳар қандай касалликни даволаш учун бир бўлак алоэ барги ва озроқ пиезни бир неча минут давомида яхшилаб чайнанг. Лекин ютиб юборманг.

✓ Бир бош пиез ўт пуфагидаги тошни йўқотишни биласизми? Лекин пиез шарбатининг ўзини ичиб бўлмайди. Шарбатга сабзи ёки лавлаги шарбатидан қўшиш лозим бўлади.

ди. Бир кун ичиш учун ҳар бир сабзавот шарбатидан 1 ош қошиқдан олиб, яна 1 ош қошиқ асал қўшиш ҳам мумкин. Аралашма кунига 3 маҳал, овқатдан ярим соат олдин ичилади.

✓ Йирик пиезни майдалаб тўғраб, аччигини кетказиш учун устига қайнаган сув қуйилади. 2 минутдан кейин суви тўкиб ташланади. Пиезга қаттиқ қилиб пиширилиб, майдаланган 1 дона тухум, кўкатлар ва таъбга қараб қаймоқ ёки кефир қўшилади. Ушбу салат **шамоллашнинг олдини олади.**



✓ Ярим стакан майдаланган саримсоқпиез устига 0,5 стакан қайнатилган сув қуйилади. 4-5 соат илқ жойда тургач, 1 ош қошиқдан ҳар ярим соатда ичиб турсангиз, бир кунда **томоқ оғригидан** қутуласиз.



✓ Ушбу эликсир **қон таркибини яхшилаб, жигарнинг ишлаш фаолиятига ёрдам беради.** Бунинг учун 1 стакандан сабзи, лавлаги, қора турп ва лимон шарбати олиниб, ярим стакан саримсоқпиез шарбати сув билан 1:1 миқдорида аралаштирилиб қўшилади. Сўнг 1 стакандан кагор ва асал ҳам аралаштирилади. Ушбу аралашма кунига овқатдан 30 минут олдин, 1 маҳал то тугагунча истеъмол қилинади. Бир ойлик танаффусдан сўнг муолажани такрорлаш мумкин. Бу шифобахш эликсир йилнинг совуқ пайтларида тайёрлаб ичилади.

✓ Икки бош пиез, унча катта бўлмаган саримсоқпиезни майда тўғраб, устига кефир қўясиз. Аралашма музлаткичда 5-7 кун туриши керак. **Грипп эпидемияси бошланган пайтда** кунига 3 маҳал, 1 ош қошиқдан то 3 ош қошиқкача истеъмол қиласиз. Шунингдек, бу аралашмани ҳар кунги овқатга қўшиб есангиз ҳам бўлади.

✓ Агар **оёқларингиз боддан оғрий бошласа** керосин билан компресс қилинг. Бунинг учун юмшоқ матога керосинни ботириб олиб, оғриқли жойга қўясиз. Сўнг устидан сув қоғоз ва қалинроқ рўмол ёки шарф билан ўраб қўясиз. Керосинли компресс қиздириш ва озроқ ачитиш хусусиятига ҳам эга. Шу боис бироз чидашингиз лозим бўлади. Компрессдан сўнг оёқларни илқ сув билан ювиб, вазелин суриб қўясиз.

✓ **Қазғоқдан қутулиш** анча қийин ва узок давом этадиган иш. Бироқ бунда ҳам пиезнинг ёрдами катта. Қазғоқни йўқотиш учун 1 ош қошиқ пиез бўтқаси, 1 ош қошиқ шампун, коньяк ва 1 дона тухум сариги керак бўлади. Ҳаммаси яхшилаб аралаштирилгач бош терисига суриб, сув қоғоз билан ўралади. 1 соатдан сўнг илқ сув билан ювилади. Пиез хидини кетказиш учун сувга озроқ сирка ёки лимон шарбати қўшиб юборишингиз мумкин.



✓ **Йўтални даволаш учун** 6-8 дона турп юпка қилиб кесилади, ҳар бир бўлак устига мўл-кўл қилиб шакар сепади ва 6 соат қоронғи жойга қўйилади. Бундай турпли шарбатдан ҳар соатда 1 ош қошиқдан ичилади. Бу усул бир ҳафтада йўтални тузатади.

✓ **Жигилдон қайнашини йўқотиш учун** картошканинг янги сиқиб олинган шарбатидан истеъмол қилиш тавсия этилади. Ушбу шифобахш шарбат кунига 2-3 маҳал, овқатдан 30 дақиқа олдин ичилса, жигилдон қайнашини йўқотади.

✓ **Пай чўзилганда, кўл ёки оёқ бўғини чикқанда** хом картошканинг шарбати фойда беради. Картошка шарбатига тузланган ёки янги қарама шарбати ва шакар қўшилиб, докага шимдирилади.

Дока оғриқ жойга босилади. Бу компресс эрталабгача туриши керак. Яна бир усул қуйидагича: докага саримсоқпиез ва лимон шарбати шимдирилади ва дока чўзилган пай устига қўйилади.

✓ **Гриппга чалиниш билан.** 4 дона ўртача катталикдаги пиез тўғралади. Устига 1 стакан қайноқ сув қуйилиб, бугда ёки паст оловда 1, 5 соат давомида қайнатиб олинади. Тайёр бўтқа совуғач 1 ош қошиқ асал қўшилади. Бу аралашма музлаткичда сақланади. Кунига овқатдан 20 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилинади.



✓ Агар уйингизда ерқаламбир (хрен)нинг янги узилган барглари бўлса, барглари пойфазагининг ичига солиб, сўнг қизиб олсангиз, **оёқдаги шамоллаш**ни йўқотади. 10-15 дақиқадан сўнг баргни олиб ташлайсиз.

✓ **Бошланаётган ёки чўзилаётган бронхитни** картошка ёрдамида даволаш мумкин. Бунинг учун 0,5кг. картошка пўсти билан пиширилади. Пўстидан тозаласандан эзиб, бўтқа ҳолига келтирилади. Ушбу картошкали бўтқани матога ёйиб, кўкракка қўясиз. Устидан сув қоғоз қуйилгач, қалин кўрпа ёпасиз. Шунингдек, илқ картошка бўтқасидан товонга суриб, устидан иккита жун пайпоқ қиясиз.

✓ **Тана увишиб, совуққотганда** қуйидагича шифобахш эликсир тайёрлаб ичинг. 1 дона йирик саримсоқпиез бўлагини эзиб, бўтқа ҳолига келгач, 2 ош қошиқдан олма сиркаси ва асал қўшинг-да, яхшилаб аралаштириб, устига 1 стакан қайноқ сув қуйинг. 4 дақиқа тургач, худди чой ичаётгандек шошмасдан хўшлаб ичинг.

✓ **Шамоллаганда тумов билан аксир**ишни даволаш учун қуйидагича ингальяция қилиш тавсия этилади. Бирор хил минерал сув товоққа қуйиб, қайнатилади. Қайнаб чиққанидан сўнг арча ёки қарағай ниначаларидан соласиз. 1-2 дақиқадан сўнг оловдан олиб, устингизга қалинроқ сочиқ ёпасиз-да, бугдан чуқур-чуқур нафас оласиз.

✓ Ерқаламбир илдизини гўшмайдалагичдан чиқариб, бўтқасидан шамоллашга қарши боғлама тайёрлаш мумкин. Товонга бирорта ўсимлик ёғидан озроқ сурилади. Сўнг товонга ерқаламбир бўтқасидан суриб, сувқоғоз билан ўралади. Иссиқни сақлаш учун қалин пайпоқ кийилади. Ерқаламбир шарбати танадаги фаол биологик нуқталарга таъсир қилиб, **иммунитетни оширади.** Бу боғлама туни билан туриши керак.



✓ **Танадан турли захарли хилтларни чиқариб юбориш** учун кўп суюқлик ичиш керак бўлади: Чой ўрнига лимонли, қуритилган малина меваси ва турли гиёҳлардан дамланган дамламадан ичиш тавсия этилади. Кийикўт, лимонўт, эрмон (польнь) гиёҳларини аралаштириб 1 ош қошиғи олинади-да, устига 1 стакан қайноқ сув қуйилиб, 10 дақиқа дамбаб қўйилади. Бу хушбўй чойни **шамоллаш ва гриппнинг белгилари** сезила бошлаган заҳоти ичган маъқул.

✓ **Тумовда** 5 томчи қайноқ сувга 1 томчи пиез шарбатини қўшиб, бурунга томизинг. Бурундан кўп миқдорда шиллиқ модда келиши мумкин. Бундан хавотирланманг. Бундай аралашма бурун тешигидаги микробларни йўқотади, шунингдек, бу гайморитда ҳам фойда беради.



✓ **Ангинада** ерқаламбирли сувда (1 чой қошиғига 1 стакан қайнаган сув) қуйилиб, томоқ чайилади.

✓ **Хотира сусайганда** - пиезли аралашма ёрдам беради. Бунинг учун 2 дона ўртача катталикдаги пиез киргичдан чиқарилиб, 1/2стакан шакар билан аралаштирилади. Аралашма 1 кун туриши керак. Тайёр бўлгач кунига 3 маҳал, 1 ош қошиқдан овқатдан олдин истеъмол қилинади.

✓ **Кўз нури хиралашганда** - 1 дона пиез иккига бўлинади-да, 1 миқдорда сув қуйилади. Оғзи ёпик банкада 1 кун турганидан сўнг бир ҳафта давомида кунига 3 маҳал, 1/2 стакандан ичилади.

✓ **Кўз оғриганда** петрушка билан сабзи шарбатини 1:3 миқдорда аралаштирилади. Сўнг ушбу аралашмани кунига 2 маҳал, 1 стакандан ичилади.



✓ **Кабзиятда** — пиширилган қизил лавлагини бирорта ўсимлик ёғи билан аралаштириб, истеъмол қилинса шифо бўлади.

ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.



593 Ёшим 54 да. Баланд бўйли, келишган эркекман. Асли тошкентликман. Ажрашганман. Ишлайман. Зарарли одатларим йўқ. 45 ёшгача бўлган, тошкентлик, баланд бўйли, хушрўй, ишлайдиган, оқила бир аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Назмиддин

594 Ёшим 31да. Асли қашқада-реликман. Ажрашганман, лекин фарзандим йўқ. Ишлайман. Кўринишим кўркем. Орасталикни ёқтираман. Табиатан мулоим аёлман. 40-42 ёшгача бўлган, ишлайдиган, уй-жойли эркек бўлса (қаердан бўлса ҳам Тошкент шаҳрида яшайдиган), оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Кундузхон

595 Ёшим 32 да. Ажрашганман. Ишлайман. Маълумотим олий. Саранжом-саришта, озода аёлман. 42 ёшгача бўлган, ажрашган, уй-жойи бор, давлат ишида ишлайдиган, оилани таъминлай оладиган эркек билан турмуш қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Ниҳола

596 Ёшим 65 да. Аёлим вафот этган. Тошкент туманида яшайман. Фарзандлар ташвишидан қутулганман. Ўз уй-жойим бор. Моддий таъминланганман. 40-50 ёшгача бўлган, болалари ташвишидан қутулган ёки турмушга чиқмаган аёл билан оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Эркин ота

597 Ёшим 58 да. Ёлғизман. Нуфузли даргоҳда ишлайман. Ўз уйим бор. Маълумотим олий. Зиёлиман. Касбим педагог. 65 ёшгача бўлган, тошкентлик, уй-жойи бор, баланд бўйли, мустақил эркекка турмушга чиқмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Раҳима опа

598 Синглимнинг ёши 38 да. Ажрашган. Бир ўғли бор. Маълумоти олий. Ўқитувчи бўлиб ишлайди. Турли пишириқларга, таомларга жуда уста. 45-50 ёшгача бўлган, Тошкент вилоятида яшайдиган, уй-жойли, жиянимга оталик қила оладиган эркек бўлса синглимни узатардик.
Манзилимиз тахририятда.
Мухлиса опа

599 Ёшим 42 да. Асли тошкентликмиз. Турмуш ўртоғим вафот этган. Маълумотим олий, ораста, пазанда аёлман, 50 ёшгача бўлган, Тошкентда ўзининг уй-жойи бор, инсоф-диёнатли, болаларимга оталик қила оладиган, меҳрибон, жиддий бир эркек билан турмуш қуриш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Гулрўх

600 Ёшим 60 да. Навоий шаҳриданман. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Фарзандлар ташвишидан қутулганман. Уй-жойим бор, моддий таъминланганман. 55 ёшгача бўлган, ёлғиз ёки фарзандлари ташвишидан тинчиган аёл билан оила қуриш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Ҳамдам ака

601 Асли Бухороданман. Қизимнинг ёши 25 да. Ҳали турмушга чиқмаган. Оғир-вазмин, пок ва ибодли қиз. Техникумни тугатган. Қўлида гулдек ҳунари ҳам бор. 30 ёшгача бўлган, касбли, уй-жойли (қайси вилоятдан бўлса ҳам майли) бир йигитни куёв қилган бўлар эдик.
Манзилимиз тахририятда.
Ҳалима опа

602 Самарқандликмиз. Онам вафот этганидан сўнг 66 ёшли отамиз ёлғиз қолди. Биз фарзандлар ўз ташвишларимиз билан бандмиз. 65 ёшгача бўлган, (қаерлик эканлигининг фарқи йўқ), эҳтимол, ҳеч кими йўқлиги учун қариялар уйда яшаётган аёл бўлса ҳам отамни уйлантирган бўлардик.
Манзилимиз тахририятда.
Обид

603 Ёшим 32да. Турмушга чиқмаганман. Тошкент вилоятида, ота-онам билан яшайман. 35-40 ёшгача бўлган, тошкентлик, ишлайдиган, уй-жойи бор, йигит билан оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Дилнавоз

604 Ёшим 66да. Тошкентликман. Ажрашганман, ўз уйим бор. Нуфузли ташкилотда ишлайман. 60 ёшгача бўлган, дилкаш, оқ кўнгил ва самимий бир аёл билан турмуш қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Файзулла ака

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

СИНОВЛИ БУ ДУНЁДА...

605 - Исми Музаффар. Ёшим 42 да. Асли тошкентликман. Институтда ўқиб юрган пайтимда бир қизга кўнгил қўйгандим. Лекин ота-онам бу қизга уйланишимга рози бўлишмади. Шундай қилиб ота-онам танлаган, яқин қариндошимизнинг қизига уйландим. Мана, ҳозирга келиб ота-онам қилган ишларидан қаттиқ пўшаймон бўлишмоқда, - дея гап бошлади сочларига оқ тушган йигит.
- Бунга бирор сабаб борми?
- Ҳа. Кўнгил қўймаган бўлсам-да, ўша қариндошимизнинг қизи билан ўн йилдан ортиқ яшадик. Тўғри, бирон марта ҳам уриш-жанжал қилганимиз йўқ. Бироқ!..
- У холда гап нимада?
- Икки нафар фарзанд кўрдик. Лекин ҳар иккиси ҳам майиб-мажруҳ туғилишди. Олиб бориб даволатмаган жойимиз қолмади. Ёмон шундаки, тўғма мажруҳликни даволаш қийин, унча натижаси ҳам бўлмас экан. Хотиним ишламай, болаларимни парваришларди. Унга ҳам қийинлигини тушунардим. Шундай бўлса-да, ажрашдик.
- Фарзандларингиз мажруҳ туғилгани учунми?
- Чунки қайси шифокорга бориб учрашмайлик улар: "Иккингиз ҳам соғломсиз. Лекин айбингиз шуки, сизлар жуда яқин қариндошсизлар. Қо

нингиз бир, шу боис сизлардан фақат мажруҳ болалар туғилади. Агар соғлом фарзанд кўришни истасангиз сиз бошқага уйланишингиз, аёлингиз эса бошқа эркекка турмушга чиқиши керак", - дейишди. Бу гапни онамга ҳам айтишган экан. У йўқлади, сиқилди. Кейин ажрашиш ҳақида аёлимга гап очди.
- Аёлингиз нима деди?
- У хафа бўлди. Лекин у ҳам шифокорнинг гапини эшитгани учун ажрашишга рози бўлди. Унга ҳовли-жойи қилиб бердик. Узаро келишиб, бир-биримизни безовта қилмайдиган бўлдик. Лекин ҳар қалай мажруҳ бўлса-да, фарзандларим... Уларга ёрдам бериб тураман.

Яқинда аёлимнинг бир шифокорга турмушга чиққанини эшитдим. Очигини айтганда ундан аввал уйланишга истихолоа қилиб юргандим...
- Демак, уйланиш ниятидасиз, шундайми?
- Мен ҳам 35 ёшлардаги оқила бир қизга ёки аёлга уйланишни, фарзандларим соғлом туғилиб, атрофимда чопқиллаб юришини истайман. Бўлажак аёлим фарзанд кўра оладиган бўлиши керак. Менинг ўз уй-жойим бор, нуфузли ташкилотда ишлайман. Оиламни моддий таъминлай оламан.

606 - Ёшим 50 да. Исми Умарбек. Жиддий сабаб билан ажрашганман, ёлғиз яшайман. Ҳозир кўшма корхонада ишлайман. Илгари тadbиркорлик қилганман. Бироқ, кейинчалик ишларим орқага кетди. Бунинг устига автохалокатга учрадим. То соғайиб оёққа тургунимча бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Ана шу пайтда аёлим билан бир-биримиздан анча узоклашиб кетдик.
- Аёлингиз касалхонага келиб турарми?
- У бошида тез-тез келиб турарди, кейинчалик ишн, рўзгор ташвишларини баҳона қилиб кам келадиган бўлиб қолди. Тузалиб уйга келганимдан кейингина аёлим ажрашиш учун судга ариза бериб қўйганини билдим.
- Нега бундай қилибди?
- Сабаби маълум. Мени илгаригидек ишлаш олмайди, инвалид бўлиб қолади, деб ўйлаган.
- Сиз тузалгач ҳам аризасини қайтиб олмадими?
- Йўқ! Шундан кейин мен ўғлимнинг

хонасида яшай бошладим. Чунки аёлим билан гаплашмасдик. Болаларимиз эса онаси билан бирга овқатланишарди. Балки фарзандларимга ҳамма нарсани муҳайё қилиб ўстирганмен нотўғри бўлдимикан? Хуллас, ёлғизлиб қолдим. Хатто қариндошларимиз ҳам бизни мурасога келтира олишмади. Хотиним: "Агар эркек бўлсангиз уйдан чиқиб кетасиз", -дея жанжал қилиб, туриб олди. Охири ажрашиб кетдик. Бундан жуда афсусдаман. Ахир бир умр оилам учун ҳаракат қилгандим. Бошимга ташвиш тушиб, ёрдамга муҳтож бўлиб қолганимда ҳеч кимга, хатто, ўз фарзандларимга ҳам керак бўлмади қолдим. Ҳозир саломатлигим яхши бўлиб кетган. Машина ҳайдайман. Ишларим ҳам жойига тушиб, яна пул топаялман. Фақат уй-жойим йўқ, молос. Эҳтимол, кўнгли-кўнглимга мос тушадиган, оқила, меҳрибон бир аёл бордир? Шундай бир меҳрибон аёл билан танишиб оила қуришни жуда истардим.

607 - Янгийул туманида яшайман. Исми Одил. 39 ёшдаман. Аёлим туғиш пайтида вафот этгач, онам бош бўлиб бир жувонни топишди. У билан учрашдим. Маъқул бўлди. Раҳматлик аёлимга ҳам ўхшаб кетар экан. Лекин орадан бир ой ўтгач онаси бери ўғил билан бир қизчани етаклаб келиб қолди, - дея тақдирини сўзлай бошлади у.
- Олдин билмаганмидингиз?
- Маълум бўлишича қайнонам етаклаб келган болалар аёлимнинг биринчи турмушидан экан... У менга турмушга чиқаётганида фарзандлари борлигини айтмаганди.
- Ҳозир бирга яшаясизларми?
- Йўқ! У уйга кетган. Чунки кўнглим совиди. Алдагани жуда алам қилди.

Агар бошида бу гапни очик айтганда, балки болаларни бағримга олган бўлардим. Бу ёлгонни кечирсам, у яна нималарнидир яшириб юрган бўлса-чи? Кўнглига бир шубҳа-гумон ораласа ёмон бўлар экан. Ажрашиб кетдик. Тахририятга келишдан мақсадим ҳам шу. Ростгўй, ҳалол бир аёл билан оила қурмоқчиман.
- Хаёт мураккаб, умр синов, - деганлари рост. Бу синовдан ўта олмаганлар, турмуши бузилганлар эса яна бахт излашади.

Бахт излаган бу эркеклар билан танишишни истаганлар учун уларнинг манзиллари тахририятда.

БАСИРА тайёрлади.
ТЕЛ: 133-04-50

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 234-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.
Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1133. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10856
Навбатчи — **Н. ИМОВОМ**
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОКОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Мусахих — **С. САЙДАЛИМОВ**
1 2 3 4 5 7 8